

# SAIGA NEWS



Нашр қилиняпти 6-та тилларда учун ахборот айрбошлаш масалалар бўйича экологияда ва сайғоқ муҳофазасини



© А. Гилёв, К. Каренина

нашр  
қилинади  
ёнида қўллаб-  
қувватлашга:



қўшимча ёрдам:



# МУНДАРИЖА

## Таҳририятдан

«Saiga News» 10 йиллик юбилейини нишонлайди!

## Янгиликлар

*Наталья Якушева* Сайғоқни асраш чора-тадбирларини кучайтириш: Сайғоқни асраш бўйича ўзаро англашув ҳақидаги Меморандумни имзолаган томонлар 3-чи Конференцияси

*Э.Ж. Милнер-Гулланд* Сайғоқни асраш бўйича мутахассислар Тошкентда учрашдилар

*Штеффен Цутер* 2015 йилнинг майида бекпақдала популяцияси сайғоқларининг оммавий нобуд бўлиши

*Мария Воронцова* Олов билан синов

*Евгения Самтанова, Наталья Шивалдова* «Қўриқхона ороллари дўстлари»нинг чегарасиз ҳаракати

## Матбуотдан

Якутияда қадимги сайғоқнинг калла суяги топилди

Сайғоқ шохларининг Хитойга ноқонуний трафики Қозоғистондан Қирғизистон орқали ўтиб келади  
Қозоғистонда сайғоқ овлаш уюшган жиноятчилик шакл-шамойилини касб этди

Сайғоқ Россия Қизил китобига киритиладиган бўлди

## Мақолалар

*Кристина Рисава* Ер усти мониторингининг аҳамияти: воқеалар жойидан сайғоқлар ҳақида ҳикоя  
*Андрей Гилёв, Карина Каренина* «Степной» буюртма қўриқхонаси (Астрахан вилояти) ҳудудида артезиан қудуқларининг сайғоқ ҳаёти учун аҳамияти

*Лаура Кор ва бошқ.* Устюрт платосининг Ўзбекистон қисмида сайғоқ гўштини қонунга хилоф равишда истеъмол қилишни ҳаракатлантирувчи омиллар

*Софи Эллиот* Ёшлик орзулари: Қозоғистонда табиатни муҳофаза қилиш бўйича янги

ташаббусларни амалга ошириш учун ёшларнинг орзу-ниятларидан қандай фойдаланиш мумкин?  
*Чжиган Цзян* Анъанавий хитой табobati (АХТ)да ишлатиладиган сайғоқ шохларининг ДНК штрих кодлаш технологияси ёрдамида диагностикаси

## Янги чоп этилган мақолалар

*Урсула Ратайчак ва бошқ.* Шарқий Европа ва Сибирда топилган тўртламчи давр сайғоқларининг калла суяклари: *Saiga borealis* ва *Saiga tatarica* – бир турми ёки икки турми?

## Эълонлар

Сайғоқ бўйича Ресурс Маркази саҳифаларида қандай янгиликлар бор

## Сайғоқни асраш - уларнинг ҳаёт иши

Юрий Арилов, Россия

**Таҳрир ҳайъати.** Буюк Британия: проф. Э.Ж. Милнер-Гулланд [муҳаррир-консультант], Оксфорд университети ([ej.milner-gulland@zoo.ox.ac.uk](mailto:ej.milner-gulland@zoo.ox.ac.uk)); Қозоғистон: Ю. Грачев, проф. А. Бекенов, Зоология институти ([teriologi@mail.ru](mailto:teriologi@mail.ru)), А. Чухатина, ҚБАУ ([alyona.chukhatina@acbk.kz](mailto:alyona.chukhatina@acbk.kz)); Хитой: Айли Канг ([akang@wcs.org](mailto:akang@wcs.org)) ва Фенглиан Ли ([fli@wcs.org](mailto:fli@wcs.org)), WCS Хитой; Мўғулистон: Б. Лхагвасурен ([lkhagvazeer@gmail.com](mailto:lkhagvazeer@gmail.com)) ва Б. Чимеддорж ([chimeddorj@wwf.mn](mailto:chimeddorj@wwf.mn)), WWF-Мўғулистон; Россия: А.Лушекина, Экология ва эволюция муаммолари институти ([saigak@hotmail.com](mailto:saigak@hotmail.com)) ва Ю. Арилов, Қалмиқистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази ([saiga-center@mail.ru](mailto:saiga-center@mail.ru)); Ўзбекистон: Е. Бикова [масъул муҳаррир] ва А. Есипов, Ўсимликлар ва ҳайвонот олами генофонди институти ([esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz); [ebykova67@mail.ru](mailto:ebykova67@mail.ru)), дизайн: Weaseldance Design ([hello@weaseldancedesign.com](mailto:hello@weaseldancedesign.com)), А. Ганиева ([Alfiya\\_71@mail.ru](mailto:Alfiya_71@mail.ru)).

Сизга олти тилнинг исталган бирида материаллар юборишни таклиф қиламиз. Марҳамат қилиб, уларни [ebykova67@mail.ru](mailto:ebykova67@mail.ru): [esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz) манзилига ёки муҳаррирлардан бирига юборишингиз мумкин. Ахборотнома ҳар йили икки марта чоп этилади. Муаллифлар учун қоидаларни инглиз ва рус тилларида [www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com) да топишингиз ёки сўровга биноан муҳаррирлардан олишингиз мумкин. Агар Сизда саволлар туғилган бўлса, марҳамат қилиб, ўз мамлакатингиздаги Saiga News муҳаррири ёки масъул муҳаррир Елена Бикова билан ([ebykova67@mail.ru](mailto:ebykova67@mail.ru): [esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz)) боғланинг.

Бу нашр билан онлайн режимда [www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com), <http://saigak.biodiversity.ru/publications.html> да танишиш ёки унинг чоп этилган нусхасини инглиз, қозоқ, хитой, мўғул, рус ва ўзбек тилларида сўровга биноан муҳаррирлардан олиш мумкин.

# Таҳририятдан

## «Saiga News» 10 йиллик юбилейини нишонлайди!

2004-2005 йилларда сайғоқ халқаро даражада муҳофаза қилинадиган ҳайвон турига айланди, 2006 йилда эса Кўчиб юрвчи турлар бўйича конвенциянинг Сайғоқни асраш бўйича ўзаро англашув ҳақидаги Меморандуми кучга кирди. Халқаро даражада эътироф этилганга қарамай, ўша даврда экология ва турни асраш масалалари бўйича, сайғоқни асраш ва ўрганиш учун ҳам сайғоқ ареалидаги алоҳида мамлакатлар даражасида, ҳам халқаро даражада амалга оширилаётган ҳаракатлар тўғрисида ахборот айирбошлаш учун механизм мавжуд эмас эди. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида олимлар ва мутахассислар томонидан амалга оширилаётган ишлар тил билан боғлиқ тўсиқлар мавжудлиги, шунингдек мазкур ишларнинг натижаларини эълон қилиш ва уларни жамоатчиликка етказиш имконияти йўқлиги туфайли узоқ йиллар мобайнида эътибордан четда қолиб келди.

2005 йилда янгиликлар, илмий мақолалар, оммавий ахборот воситаларида чоп этилган мақолалар ва эълонларни ўз ичига олган, ҳамма учун мўлжалланган ахборотнома – «Saiga News»нинг биринчи сони чиқди. Ахборотноманинг мавжудлик даврида «Saiga News» саҳифаларида ҳам сайғоқ яшайдиган барча мамлакатларда сайғоқни ўрганиш ва асраш соҳасида иш олиб бораётган олимлар ва мутахассислар, ҳам ўқитувчилар, давлат хизматчилари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари ўз материалларини эълон қилдилар. Ахборотномани овлоқ қишлоқларда, вазирликларда, университетларда ва халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларининг қароргоҳларида мутолаа қиладилар. «Saiga News» таҳрир ҳайъати аъзолари жонкуяр одамларни ўз атрофида тўплаган ва бизда ифтихор туйғуларини пайдо қиладиган ахборотнома улар учун қандай аҳамиятга эга эканлиги ҳақида ёзадилар (куйида қаранг).

### Елена Бикова (масъул муҳаррир) ва Э.Ж. Милнер-Гулланд (муҳаррир-консультант)



**Анна Лушекина:** Шу 10 йил давомида, ахборотноманинг ҳар бир янги сони тайёрланиши билан, мен ўз ҳамкасбларим билан танишиш имкониятига эга бўлдим, уларнинг кўпчилиги кейинчалик ахборотномамизнинг доимий муаллифларига айландилар. Шунингдек, ҳар бир янги сон чоп этилиши билан, мен сайғоқ ареалининг турли қисмларида яшайдиган сайғоқлар ҳақида, мазкур турнинг ўтмишдаги тақдири, ҳозирги вақтдаги қийинчиликлар ва келажакка бўлган умидлар тўғрисида жуда кўп янги, қизиқарли ва муҳим маълумотлар олдим.

**Буяна Чимеддорж:** Таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида, мен «Saiga News»ни мутолаа қилиш ва турли мамлакатларда маҳаллий аҳоли билан ишлашга асосланган сайғоқни асраш борасидаги тажрибани ўрганишдан мамнунман. Бу турли соҳаларда тараққиётнинг жадаллашувига ҳам кўмаклашади. «Saiga News» турли маданиятлар, дунёқарашлар ва анъаналар вакиллари сайғоқни асраш учун ягона жамоага бирлаштиришга ёрдам беради. Биз ахборотноманинг турли мақсадли гуруҳларга мансуб китобхонлар учун қизиқарли бўлган электрон версиясини яратиш ҳақида ўйлаб кўришимиз керак.

**Дэвид Маллон:** «Saiga News» пайдо бўлган пайдан бошлаб сайғоқ билан боғлиқ фаолиятнинг барча йўналишларига бағишланган мақолаларни мунтазам равишда эълон қилади, бунда у доим таҳрирлаш юксак стандартларидан фойдаланади. Диққатга сазовор хусусиятлардан бири шундаки, ахборотнома сайғоқ ареали мамлакатларининг тилларида чоп этилади ва бу «Saiga News»ни новаторлик хусусиятига эга бўлган нашрга айлантиради; ахборотнома сайғоқни асраш ишида муҳим омил ҳисобланади.

**Лхагвасурен Бадамжав:** Мен «Saiga News» фаолиятидан жуда хурсандман ва сайғоқни ўрганиш, асраш ва ушбу соҳаларда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини ёритувчи мазкур ажойиб, муҳим таҳририят жамоасининг аъзоси эканлигимдан ғурурланаман. «Saiga News» сайғоқни асраш соҳасида ишлайдиган барча мутахассислар ва экспертлар бошини бирлаштирган ноёб нашрдир; бундан ташқари, у қарор қабул қиладиган шахслар учун ҳамда глобал ва миллий даражаларда сайғоқни асраш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга қаратилган халқаро конвенциялар учун халқаро восита ҳисобланади.

**Айли Канг:** Мен учун «Saiga News» сайғоқ борасидаги ўз ишим ҳақида ҳикоя қилиш учун имконият яратадиган нашр бўлиш билан бир қаторда, ҳаётга татбиқ этишга уриниб кўриш мумкин бўлган янгиликларни муҳокама қилиш учун майдонча ҳамдир. Яқинда юз берган сайғоқ билан боғлиқ ҳалокат биз олдинга янада синчковлик билан назар ташлашимиз лозимлиги ҳақида ишорат ва аҳтимол, «Saiga News» келажакда кўшимча равишда ўйлаб кўришига тўғри келадиган воқеадир.

**Штеффен Цутер:** «Saiga News» 10 йилдан бери нашр этилади ва бу давр ичида у ўзини ноёб тур – сайғоқни асрашга доир ахборот айирбошлаш учун муҳим восита сифатида намоён этди. Нашр сайғоқни асраш соҳасида ишлайдиганлар учун муҳим роль ўйнайди ва ушбу тур билан қизиқувчилар учун асосий ахборот манбаси ҳисобланади.

**Фенглиан Ли:** Биринчидан, «Saiga News» менга муаллиф сифатида ўз тадқиқотларимнинг материалларини эълон қилиш учун имконият яратади; шунингдек мен бошқа мамлакатлардаги сайғоқ ҳақида жуда кўп ахборот оламан. Иккинчидан, мен муҳаррир сифатида, Хитойга доир материал билан ишлайман ва ахборотномани хитой тилида чоп этаман, натижада Хитойда яшайдиган кўп сонли одамлар сайғоқ ҳақида ахборот олиш имкониятига эга бўладилар. Менимча, «Saiga News»нинг вазифаси ҳам шундадир.

**Юрий Грачев:** «Saiga News» ахборотномасини чоп этиш ғоясини Э. Милнер-Гулланд 10 йил муқаддам, Сайғоқни асраш бүйича альянс ташкил этилган пайтда илгари сурган эди. Шунингдан олиш лозимки, ўша вақтда биз мазкур ғояни амалга ошириш имконияти ва унинг самарадорлигига маълум даражада шубҳа билан қараган эдик, аммо шубҳалар жуда тез тарқаб кетди. Ахборотноманинг илк сонлариёқ кенг жамоатчилик томонидан қатта қизиқиш билан кутиб олинди. Кейинчалик нашр мавзулари ва муаллифлар доираси аста-секин кенгайиб борди; сайғоқ ареалидаги барча мамлакатларда мазкур турнинг ҳолати тўғрисида бир манбадан ахборот олиш ва бунга ўз муносабатини билдириш имконияти пайдо бўлди. Нашрнинг белгиланган мақсади – «экология ва сайғоқни асраш масалалари бүйича ахборот айирбошлашни амалга ошириш»га тўла эришилмоқда ва «Saiga News» сонларини чоп этиш, ҳеч шубҳасиз, давом эттирилиши лозим.

**Александр Есипов:** Мен учун натижа кутилгандан ҳам аъло даражада бўлди. Маблағлар ҳам топилди, ғоялар ҳам тугаётгани йўқ. Сайғоқ борасида ишлаётганларнинг ҳаммаси иш учун яхши воситага эга бўлдилар. Тармоқда ахборотноманинг барча сонлари билан ва олти тилда танишиш мумкин. Ахборотномага бўлган қизиқиш бундан буён ҳам камаймаслигига ва уни нашр этишни давом эттириш лозимлигига менинг ишончим комил. Менимча, мавжуд ишланмалар асосида китоб чоп этиш фурсати келди. Бу ишга бош қўшаётганларнинг ҳаммасига қатта раҳмат!



© А. Гилёв., К. Каренина

# Янгиликлар

**Сайғоқни асраш чора-тадбирларини кучайтириш: Сайғоқни асраш бўйича ўзаро англашув ҳақидаги Меморандумни имзолаган томонлар 3-чи Конференцияси**

*Наталья Якушева, CMS котибияти, [natalya.yakusheva@cms.int](mailto:natalya.yakusheva@cms.int)*



Томонлар Тошкент конференцияси қатнашчилари. (© А.Есипов)

2015 йилнинг 26-29 октябрида серкуёш Тошкент Сайғоқни асраш бўйича ўзаро англашув ҳақидаги Меморандумни имзолаган томонлар 3-чи Конференцияси (MOS3) қатнашчиларини кутиб олди. Ҳукумат тузилмалари ҳамда халқаро ноҳукумат ва илмий ташкилотларнинг етмишдан зиёд вакили бу ерда Қозоғистон, Мўғулистон, Россия, Туркманистон ва Ўзбекистонда сайғоқ популяцияларини тиклаш бўйича бир қатор аниқ чора-тадбирларни муҳокама қилиш учун йиғилдилар. MOS3 доирасида сайғоқни ўрганиш бўйича мутахассислар учун техник семинар ва анжуман охирида – Сайғоқни асраш бўйича альянс аъзоларининг йиллик мажлис бўлиб ўтди. Мазкур тадбирларни ўтказиш жараёнида касаллик тарқалиши ҳолларини, жойларда сайғоқни асраш борасидаги ҳаракатлар, инфратузилма ва нолегал савдо таъсирини ҳар томонлама ўрганиш учун замин яратилди.

Томонлар Конференциясини ўтказиш аввалбошдан 2015 йилга режалаштирилган эди, чунки сайғоқни асраш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга оширишни амр этувчи ўрта муддатли халқаро дастур охирига етмоқда эди. 2015 йилнинг баҳорида сайғоқларнинг мисли кўрилмаган миқдорда нобуд бўлиши юз берганидан, Қозоғистонда 150 000 минг бошдан зиёд сайғоқ ҳалок бўлганидан кейин

бундай учрашувни ўтказиш зарурати янада кучайди. Мазкур мисли кўрилмаган сайғоқнинг оммавий қирилиши ҳодисаси бутун дунёда ушбу турни асраш муаммосига оммавий ахборот воситалари эътиборини кучайтирди ва MOS3 ни ўтказиш учун молиявий ёрдам олишни анча осонлаштирди. Бундан ташқари, у сайғоқни асрашнинг муҳимлигини тушуниш одатдаги ҳукумат ва табиатни муҳофаза қилиш тузилмалари доирасидан четга чиқиши учун имконият яратди. Логистика ва методологияда айрим ғадир-будирликлар мавжудлигига қарамай, конференция муваффақиятли ўтди ва унинг қатнашчилари сайғоқни асраш бўйича янада жиддий чоралар кўриш ҳақида келишиб олдилар.

Сайғоқни асраш бўйича ўзаро англашув ҳақидаги Меморандум мазкур тур тарқалган беш мамлакат (Қозоғистон, Мўғулистон, Россия, Туркманистон ва Ўзбекистон), шунингдек сайғоқни асраш соҳасида ишлаётган тўққиз шерик-ташкilot томонидан имзоланган ва 2006 йилда кучга кирган. Сайғоқни асраш соҳасида ишлаётган ҳукумат тузилмалари ва бошқа ташкилотлар ҳамда алоҳида шахсларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари сайғоқ яшайдиган ареалда мазкур ҳайвон миқдори сезиларли даражада кўпайишига олиб келди. Ваҳоланки, 2000 йилларнинг бошида

## Янгиликлар (давоми)

бу миқдор 21 000 бошдан иборат тарихий минимумгача пасайган эди. Аммо эндиликда, азалдан мавжуд бўлган браконьерлик ва нолегал савдо муаммоси билан бир қаторда, янги қийинчиликлар – касалликлар қўзғалиши ва инфратузилманинг жадал ривожланиши пайдо бўлди. Охириги муаммо икки давлат – Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудида яшайдиган трансчегаравий устюрт популяциясига айниқса кучли таъсир кўрсатмоқда. Бу икки мамлакатни бир-биридан ажратадиган, ҳайвонларнинг миграция йўллари кесиб ўтадиган давлат чегараси бўйлаб симтикандан тўсиқ яратилиши ва темир йўл қурилиши натижасида популяция қирилиш ёқасига келиб қолди.

Сайғоқни асраш бўйича ўзаро англашув ҳақидаги Меморандум бошқа бирон-бир халқаро битимлар имзоланган ҳолда ўзига хос суғуртани назарда тутди, асосий вазифаларни белгилайди ва ҳаракатларни

мувофиқлаштиради. Аммо реал ҳаракатлар ва уларнинг натижалари мазкур чўл тимсолини асрашдан манфаатдор бўлган ҳар бир инсоннинг бу ишга содиқлиги, унда қатнашиши ва ресурсларнинг жалб этилиши даражасига боғлиқ. Тошкент конференцияси «сайғоқ ҳамжамияти» янги вазифаларни ҳал этиш ва янги муаммоларни енгишга тайёр эканлигини яна бир қарра намойиш этди, бу эса ижобий натижалар ўзини кўп куттирмаслигига умид қилиш имконини беради.

Сайғоқни асраш бўйича ўзаро англашув ҳақидаги Меморандумни имзолаган томонлар 3-чи Конференцияси тўғрисида батафсил ахборот, шунингдек унга доир ҳужжатлар билан [Э.Ж. Милнер-Гулланд, Сайғоқни асраш бўйича альянс, ej.milner-gulland@zoo.ox.ac.uk](mailto:ej.milner-gulland@zoo.ox.ac.uk) да танишишингиз мумкин.

## Сайғоқни асраш бўйича мутахассислар Тошкентда учрашдилар

Э.Ж. Милнер-Гулланд, Сайғоқни асраш бўйича альянс, [ej.milner-gulland@zoo.ox.ac.uk](mailto:ej.milner-gulland@zoo.ox.ac.uk)



Максет Козбергенов – 2015 йилда сайғоқни асраш ишида эришган улкан ютуқлари учун мукофот стипендианти. (© А.Есипов)

Сайғоқни асраш бўйича ўзаро англашув ҳақидаги Меморандумни имзолаган томонларнинг яқинда бўлиб ўтган конференцияси (2015 йил 26-29 октябрь) Кўчиб юрвчи турларни асраш бўйича конвенция (CMS) Котибияти ва унинг Сайғоқни асраш бўйича альянс ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш халқаро уюшмасининг антилопалар бўйича Мутахассислар гуруҳидаги техник маслаҳатчилари, шунингдек учрашув

ўтказилган мамлакат – Ўзбекистон мутахассислари томонидан амалга оширилган кўп ойлик ишнинг ўзига хос кульминацияси бўлди. Бундан ташқари, конференция атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар ва олимларга улар сўнги бир неча йил давомида амалга оширган ишларнинг натижалари билан таништириш ва бир қатор баҳсли масалаларни ўз ҳамкасблари билан муҳокама қилиш, шунингдек ғоялар айирбошлаш учун қулай имконият яратди. Ниҳоят, анжуман иштирокчилари сайғоқни асраш бўйича энг самарали ташаббусларни намойиш этиш, эски дўстлари ва собиқ ҳамкасблари билан учрашиш ҳамда янги одамлар билан танишиш имкониятини қўлга киритдилар. Сайғоқлар кўп сонли янги қийинчиликларга дуч келган, турни асраш бўйича мутахассислар эса тушкунликка туша бошлаган бу мушкул даврда мазкур учрашув умумий ишни қайта тиклаш учун айна муддао бўлди. Шахсан менда ҳаммамиз биргаликда вазиятни яхши томонга ўзгартиришга қодир эканлигимизга умид пайдо бўлди.

Конференциянинг бошида биз бир нечта техник семинарлар ўтказдик ва уларда сайғоқни асраш билан боғлиқ энг муҳим масалалар муҳокама қилинди, 2015 йилнинг майида Қозоғистонда ҳайвонларнинг оммавий қирилиши ҳақида маълумотлар тақдим этилди, шунингдек



браконьерлик, нолегал савдо муаммолари ва инфратузилмани ривожлантириш масалалари қўйилди. Семинарларда расмий делегацияларнинг кўп сонли вакиллари, таклиф қилинган экспертлар қатнашди, қизиқарли мунозаралар ҳам семинарларнинг ўзида, ҳам танаффуслар пайтида давом этди. Конструктив муҳит бизга расмий ҳужжатларга фойдали тузатишларни конференциянинг расмий қисми бошлангунга қадар киритишга, шунингдек ҳар бир мавзу бўйича энг долзарб муаммоларни ва уларни ечиш йўлларини белгилашга ёрдам берди. Улар ҳақида батафсил маълумотни CMS чоп этишга тайёрлаётган конференция ҳисоботидан олиш мумкин.

Конференциянинг расмий қисми нисбатан осойишта муҳитда ўтди, чунки қатнашчилар техник семинарлар вақтидаги қизгин баҳс-мунозаралардан кейин бироз толиққан эдилар. Аммо биз асосий мақсадга эришдик – асосий ҳужжатларимиз: сайғоқ ареалида унинг мақомини белгилайдиган маъруза ва сайғоқни асраш бўйича чора-тадбирларни, шунингдек Ўрта муддатли халқаро иш дастурини келишиб олдик. Энг муҳим вазифаларнинг мазкур рўйхати зарурий воситалар миқдорини, шунингдек кейинги беш йилга мўлжалланган ҳаракатлар ва мезонларни белгилади. Шу маънода сайғоқнинг омади келди – унга нисбатан ҳаракатларнинг халқаро даражада келишилган аниқ ва жиддий режаси ишлаб чиқилди. Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги турларнинг ҳар бирига шундай эътибор берилса, уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ вазият анча яхшиланган бўларди.

29 октябрнинг иккинчи ярмида қатнашчилар, менимча, конференциянинг энг унутилмас

лаҳзаларини бошдан кечирдилар – Сайғоқни асраш бўйича альянс номидан мукофотлаш маросими бўлиб ўтди. Унда сайғоқ яшайдиган мамлакатларнинг барчасидан келган, мазкур ҳайвонни асраш соҳасида иш олиб борадиган обрўли одамлар сўзга чиқдилар. Улар иш билан боғлиқ ўз шахсий таассуротлари билан ўртоқлашдилар, бунда қўлланиладиган усуллар ҳақида ҳикоя қилдилар. Уларнинг ҳар бири ўз алоҳида ёндашувига эга (ҳарбий тузилмаларни жалб қилган ҳолда қаттиқ назоратни амалга оширишдан мактабларда деворларга расмлар чизиш ва болалар билан бирга газеталар чиқаришга қадар). Табиатни муҳофаза қилиш ишида ёш лидерлар (Young Conservation Leaders) танлови ғолиблари ўз куч-ғайрати ва ташаббускорлигини намоиш этдилар, браконьерликка қарши курашда ўрнатилган кўрсатгани учун мукофотланган инспекторларнинг истиқболлари ва қийинчиликлар олдида букилмаслиги муносиб баҳоланди. Улар чиндан ҳам муносиб одамлар ва улкан хизматлари учун халқаро анжуманда уларни мукофотлаш жуда фахрли иш.

30 октябрь куни эрталаб Сайғоқни асраш бўйича альянс конференцияси бошланди. Бу кун ҳам анжуманга жуда кўп одамлар келди, уларнинг орасида Альянснинг янги дўстлари ҳам, эски ҳамроҳлари ҳам бор. Альянс мутасаддилар кенгаши аъзоллигига биз эски дўстимиз Анна Лушекинани таклиф қилдик, Алена Чухатина эса Альянс Раҳбарлик қўмитасининг янги аъзоси бўлди. Алена халқаро ҳамкорликни фаол амалга ошириш, Сайғоқ бўйича Ресурс маркази вебсайтини яратиш ва ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшиш орқали сайғоқни асраш ишига содиқлигини амалда исботлади (ушбу сондаги

## Янгиликлар (давоми)

мақолага қаранг). Анжуман охирида бир қатор коллектив мунозаралар бўлиб ўтди, уларда биз Альянс вазифалари ва стратегияларини ўргандик, яқин келажакда уларни амалга оширишнинг янги, инновацион усулларини ишлаб чиқдик.

Бир неча кунлик қизғин фаолиятдан кейин делегатлар илиқ куз қуёши остида Тошкентнинг гавжум бозорини айландилар, сўнг биз мазкур конференцияда белгиланган вазифаларни бажаришга ҳозирлик кўриш учун ўз мамлакатларига жўнаб кетдилар. Улар бажарилиши лозим бўлган ишнинг мушкуллиги ва улкан аҳамиятини теран англаган, шу билан бир вақтда, бутун дунёда ўзларининг ҳукумат, ноҳукумат ва илмий ташкилотлардаги ҳамкасблари ва ҳамфикрлари қўйилган мақсадларга эришиш учун биргалашиб ишлаш, тажриба ва воситаларни алмашишга

тайёрлигини ҳис этган ҳолда анжуманни тарқатдилар. Биз сайфоқни асраш учун бирлашишга чақирамиз!

CMS конференциясига доир ҳужжатлар, шу жумладан анжуман иштирокчиларининг конференция ҳар бир бўлими бўйича Powerpoint форматидаги тақдимотлари билан қуйидаги ҳавола орқали ўтиб танишиш мумкин: <http://www.cms.int/en/meeting/third-meeting-signatories-saiga-mou-mos3#collapse1529>

Сайфоқни асраш бўйича альянс конференцияси тўғрисида ҳисобот, шунингдек унинг янги стратегияси яқин орада конференциянинг ҳар бир иштирокчисига юборилади. Агар сиз конференцияда қатнашмаган, аммо ҳисобот ва стратегия нусхасини олишни истаётган бўлсангиз, қуйидаги манзилга ёзиб юборинг: [mail@saiga-conservation.com](mailto:mail@saiga-conservation.com).

## 2015 йилнинг майида бекпақдала популяцияси сайфоқларининг оммавий нобуд бўлиши

*Штеффен Цутер, Қозоғистон биологик ранг-барангликни асраш уюшмаси, [steffen.zuther@acbk.kz](mailto:steffen.zuther@acbk.kz)*

«Saiga News»нинг ўтган сонидида биз сайфоқнинг оммавий нобуд бўлиши илк аломатлари 2015 йил май ойининг бошларида Қозоғистон Кустанай вилоятининг жанубий қисмида яшайдиган бекпақдала популяцияси сайфоқларининг энг йирик гуруҳида қайд этилгани ҳақида ҳикоя қилган эдик. Сайфоқларнинг нобуд бўлиши қарийб бир ой давом этди ва мазкур популяциянинг барча йирик тўдаларини қамраб олди. Ветеринария хизматлари бу воқеани текширишга дарҳол киришдилар, лаборатория текширишларини ўтказиш учун керакли намуналарни олдилар ва мурдаларни кўчишни амалга ошира бошладилар. Мамлакат ҳукумати, шу жумладан, Урмон хўжалиги ва ҳайвонот олами қўмитаси инсон ва техника ресурслари билан таъминлаш ҳамда уларни сайфоқлар нобуд бўлган жойларга етказиш бўйича катта ишни амалга оширди. Пировардида 150 044 бош сайфоқ дафн этилди, аммо ҳайвонларнинг кўп сонли мурдалари чўлда қолиб кетгани тахмин қилинади, бинобарин, нобуд бўлган сайфоқлар сони амалда анча кўп.

Сайфоқларнинг нобуд бўлаётгани ҳақида дастлабки хабарлар олингани заҳоти Қозоғистон биологик ранг-барангликни асраш уюшмаси «Олтин Дала» табиатни муҳофаза қилиш ташаббуси доирасида Лондондаги Қироллик ветеринария коллежи вакили билан ҳамкорликда ҳодиса содир бўлган жойни текшира бошлади. Экспедициянинг

дастлабки вазифаси сайфоқларнинг нобуд бўлиши, бир неча йил олдин кузатилганидек, болалаш жараёнига таъсир кўрсатган ёки кўрсатмаганини аниқлашдан иборат эди. Ишнинг биринчи кунидеёқ ҳайвонларнинг кўп сонли мурдалари қайд этилди ва энди улар қайси касалликдан нобуд бўлганини аниқлаш бош мақсадга айланди, чунки сайфоқлар ўлати давом этмоқда эди. Ҳодиса содир бўлган жойга дастлабки кунларда чиқиш касал ҳайвонларни синчиклаб кузатиш имконини берди, ветеринарлар эса мурдаларни муфассал ўрганиш ва уларнинг тўқималаридан намуналар олиш имкониятига эга бўлдилар. Бу тадқиқотларга Қозоғистон биологик ранг-барангликни асраш уюшмаси билан 2012 йилдан бери ҳамкорлик қиладиган Биологик хавфсизлик муаммолари илмий-тадқиқот институти мутахассислари катта ҳисса қўшдилар.

Касалликка йўлиққан сайфоқлар дармонсиз ва тушкун ҳолатда эдилар, нормал ҳаракатланиш ва бошини кўтаришга қодир эмасдилар. Касаллик ривожланишига қараб, уларнинг аҳволи ёмонлашарди, охири улар ерга узала тушиб ётишар ва кимдир уларни безовта қилган тақдирдагина ўринларидан қўзғалишарди. Касал ҳайвонларда ичбуруқ, шунингдек кўп миқдорда сўлак ажралиши кузатиларди, айрим ҳолларда бу бурундан ажралмалар чиқиши билан бирга кечарди. Аммо 2011 ва 2012 йилларда шунга ўхшаш вазиятларда кузатилган



хайвонлар қорнининг шишиши қайд этилмади. Сайғоқларнинг нафас олиши қийинлашар, улар ўринларидан кўзғала олмай қолишар ва охир-оқибат жон беришарди. Касалликнинг барча босқичлари атиги бир неча соат ичида давом этарди ва бу ҳол муфассал ҳужжатлаштирилди.

Май ойининг охирида экспертлар гуруҳи Кўчиб юрвчи хайвонларни асраш бўйича Конвенция (CMS), «Олтин Дала» табиатни муҳофаза қилиш ташаббуси ва Қозоғистон қишлоқ хўжалик вазирлиги мадади билан Акмола вилоятида, юқорида кўрсатилган ҳудуддан тепароқда, шимол томонда жойлашган, сайғоқлар оммавий нобуд бўлган бошқа жойга чиқди. Қироллик ветеринария коллежи, БМТ Озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ва Биологик хавфсизлик муаммолари илмий-тадқиқот институти мутахассислари бир нечта мурдани ёриб кўрдилар ва таҳлил учун уларнинг тўқималаридан намуналар олдилар. Ўтказилган тадқиқотлар лаборатория таҳлили асосида қўйилган дастлабки ташхисни тасдиқлади: хайвонларда пастереллезни келтириб чиқарган ва уларнинг ўлатига сабаб бўлган *Pasteurella multocida* бактерияси, В серотипи топилди. Сайғоқларнинг нобуд бўлиши айнан шу касаллик тарқалиши натижасида бошланганини бир нечта лабораториялар тасдиқлади. Аммо шу билан бир вақтда *Clostridia perfringens* излари ҳам топилди. Барча олимларнинг умумий хулосасига кўра, юқорида зикр этилган бактерияларнинг токсинлари сайғоқлар ўлатига сабаб бўлган, аммо касалликнинг тарқалишига нима сабабчи бўлгани тушунарсиз.

Бу масалага ойдинлик киритиш учун бир нечта тадқиқотлар ўтказилди. Қозоғистон қишлоқ хўжалик вазирлиги олинган натижаларни муҳокама қилиш, хулосалар чиқариш ва кейинги қадамларни белгилаш учун сайғоқ ветеринарияси ва экологияси соҳасидаги турли йўналиш мутахассисларидан иборат махсус ишчи гуруҳ тузди. Июнь ойининг охирида Қозоғистон биологик ранг-барангликни асраш уюшмаси «Охотзоопром» давлат корхонасининг мадади билан яна бир экспедиция ташкил этди. Унинг олдида сайғоқ бетпақдала популяцияси яшайдиган ҳудудни қишлоқ жойидан куйикиш жойигача текшириш вазифаси қўйилди. Экспедициянинг асосий мақсади сайғоқлар оммавий нобуд бўлишдан олдин охирги йил давомида фойдаланган экотизимларни ўрганиш, аномалияларни аниқлаш ва *Pasteurella* бактерияларининг бундай тарқалиши сабабларини аниқлаштиришдан иборат бўлди. Лаборатория таҳлилларини ўтказиш учун тупроқ, ўсимликлар ва сувдан кўп



Нобуд бўлган сайғоқлардан таҳлил учун намуналар олиш (© ҚБРАУ)

сонли намуналар олинди. Шунингдек мазкур минтақада уй хайвонларини текшириш амалга оширилди, лаборатория таҳлилларни ўтказиш ва сайғоқларга юққан касалликни аниқлаш учун намуналар олинди. Уй хайвонларининг эгалари билан сўров ўтказилди ва шу асосда сўнгги вақтда уй хайвонлари йўлиққан касалликлар ҳамда уларнинг сайғоқлар учун эҳтимол тутилган оқибатлари ҳақида хулосалар чиқариш мўлжалланди. Аммо, бир нечта жойда уй хайвонларида касалликлар аниқланган бўлса-да, улар сайғоқлар ўлати билан асло боғлиқ эмас экан. Сайғоқларнинг миграция маршрутларидаги ва улар оммавий нобуд бўлган жойлардаги ўсимликлар таҳлили ҳам захарли ўсимликлар миқдорида ғайриоддий ҳеч нарса йўқлигини ва сайғоқлар ўлати қайд этилган турли жойлар турли хил ўсимликлар таркиби билан тавсифланганини кўрсатди. Бу фактлар ўсимликлар ўлатининг бирдан-бир сабабчиси бўлиши мумкинлигини шубҳа остида қолдирди, аммо улар бошқа экологик омиллар йиғиндиси билан бирга ўлатга олиб келган бўлиши мумкинлиги тахмин қилинди. Тупроқ, сув ва ўсимликлардан олинган намуналарнинг бир қисми таркибида илгари оммавий ахборот воситалари сайғоқлар ўлатининг асосий сабабчиси сифатида таклиф қилган захарли ракета ёнилғиси мавжудлигига текширилди. Аммо бундай ёнилғи излари топилмади.

Кейинчалик Европа лабораторияларида ўтказилган ўлик хайвонлар қонидан олинган намуналар таҳлили бирон-бир юқумли касалликлар мавжуд эмаслигини кўрсатди. Аммо текширишлар, шу жумладан тўлиқ гистопатологик таҳлил давом этмоқда.

## Янгиликлар (давоми)



Урғочи сайғоқ мурдаси (© ҚБРАУ)

Лондондаги Қироллик ветеринария коллежи раҳбарлиги остидаги Фанлараро тадқиқот гуруҳи сайғоқларнинг фавқулдда ўлати сабабларини аниқлаш учун халқаро даражада иш олиб бормоқда. Бу иш мавжуд материалнинг кенг кўламли таҳлилини ўтказиш, ўтмишда юз берган сайғоқлар ўлатини ретроспектив таҳлил қилиш ва ўзига хос белгиларни аниқлаш, тегишли маълумотларни тўлдириш мақсадида кўшимча дала ишларини ўтказиш ва Қозоғистон ҳукуматиغا сифатли стратегия ва сиёсатни ишлаб чиқишда ёрдам беришга қаратилган. 2016 йилнинг ёзида яқунланадиган бу лойиҳа Буюк Британия

ҳукумати ҳузуридаги Атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича илмий-тадқиқот кенгаши (NERC) томонидан молиялаштирилган. Бу соҳада Фауна ва Флора Интернешнл (FFI), Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш тармоғи (WCN), Йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турган ҳайвонларни асраш миллий жамғармаси (PTES), Сайғоқни асраш бўйича альянс (SCA), Франкфурт зоология жамияти (FZS), Қироллик қушларни ҳимоя қилиш уюшмаси (RSPB) сингари ташкилотлар ҳам яқиндан ёрдам кўрсатмоқда.

Шу билан бир вақтда, Қозоғистон ҳукумати келгуси йиллар учун илмий-тадқиқот дастури ва ҳаракатлар режасини тайёрламоқда. Уларга кўра бундан буён сайғоқнинг оммавий нобуд бўлиши ҳолларига йўл қўймаслик учун шу жумладан сайғоқ экологияси ва саломатлиги соҳасида бир қатор тадқиқотлар ўтказиш режалаштирилган. Қозоғистон ва бошқа мамлакатларнинг турли ташкилотлари ва мутахассислари бу тайёргарлик жараёнида иштирок этмоқда ва уни яқин келажақда яқунлашни режалаштирмоқда.

Ҳайвонларни ҳимоя қилиш халқаро жамғармаси (IFAW) Россияда узоқ йиллардан бери «Степной» буюртма кўриқхонаси ходимлари билан яқин ҳамкорлик қилаётир.

## Олов билан синов

*Мария Воронцова, Ҳайвонларни ҳимоя қилиш халқаро жамғармаси (IFAW)нинг Россиядаги ваколатхонаси, [mvorontsova@ifaw.org](mailto:mvorontsova@ifaw.org)*

Биз Астрахан вилоятининг бу ажиб гўшасига бир неча марта ташриф буюрганмиз, Буюртма кўриқхонаси ходимлари билан мулоқот қилганмиз, уларнинг ишини кузатганмиз. Қаршимизда намоён бўлган ажойиб манзара (чексиз саҳро, осойишта бир шароитда ўтлаётган сайғоқлар, қушларнинг галалари) бизни ҳар доим ҳайратга солган. Бунга Астрахан вилояти «Степной» буюртма кўриқхонаси ходимларининг кичик бир гуруҳи фаолияти имконият яратган. Мазкур кўриқхона худудида сайғоқлар ўз ҳаётининг турли даврларида парвариш қилинади ва кўриқланади. Масалан, бу ерда сайғоқлар учун ҳам, бошқа ҳайвонлар учун ҳам сув ичиш жойлари ташкил этилган ва доим ишчи ҳолатда сақланади. Сайғоқлар экологияси ва хулқ-атворини яхши биладиган «Степной» ходимлари буюртма кўриқхонаси худудини районлаштиришни ўтказганлар ва уни икки қисмга ажратганлар:

сайғоқлар кўпайтириладиган зонага (сўнги беш йил ичида улар шу ерда болалайди) ва барқарор табиатдан фойдаланиш зонасига.

Одатдагидек, баҳорги болалаш мавсумидан кейин жазирама ёз келади, ўт-ўланларнинг баҳорги ям-яшил гилами ўрнини сап-сарик ва ҳатто кўринишдан яйдоқ юза эгаллайди. Жуда ташвишли манзара. Зеро, шу даврда ёнғинлар мавсуми бошланади. Табиий омиллар (масалан, чақин уриши) ва инсон ҳаракати натижасида чўлга ўт кетиши ва унда яшовчи ҳайвонлар ҳалок бўлиши мумкин. Ёнғинлардан кўрилиши мумкин бўлган зарарни мумкин қадар камайтириш учун кўриқхона ходимлари йўлларни тозалайдилар ва ўт чиқиши хавфи бўлган жойларни шудгорлайдилар. Кўриқхонанинг мазкур фаолияти Астрахан вилоятининг Табиатдан фойдаланиш хизмати томонидан қўллаб-



қувватланади. Шунингдек қўриқхона ходимларига бу ишда маҳаллий фермерлар яқиндан ёрдам кўрсатадилар. Сўнги йилларда қўриқхона ходимлари ва фермерлар ўртасида табиатга, ўз ўлкасига бўлган муҳаббат ҳамда бир-бирини тушуниш ва ўзаро мадад кўрсатишга асосланган муносабатлар юзага келган.

2015 йилги ёнғинлар мавсуми арафасида IFAW «Степной» буюртма қўриқхонасига махсус ускуналар (сув учун бочкалар, йўл четларидаги ўтни ўриш учун машиналар ва ш.к.) сотиб олиш учун маблағлар ажратдилар. Бу чора ўз вақтида кўрилган экан, чунки 2015 йил 15 июнда инспекторлар навбатчи сменаси Буюртма қўриқхонаси ҳудудини патруллаш жараёнида «Степной» билан чегарадош «Черние земли» қўриқхонаси томондан кучли ёнғин бостириб келаётганини хабар қилдилар. Буюртма қўриқхонаси директори Владимир Калмиков дарҳол навбатчиликдан бўш ходимларни «тревога» бўйича кўтарди ва улар чўлга «Черние земли» қўриқхонасидаги қўшнилари ва ҳамкасбларига ёрдам беришга ошиқдилар. Ёнғинни ўчириш учун Буюртма қўриқхонасининг барқарор табиатдан фойдаланиш зонасида яшайдиган фермерлар орасидан кўнгиллилар ҳам отландилар. «Тревога» сигнали олингандан кейин орадан бир соат ўтмасдан Буюртма қўриқхонаси ходимлари фермерлар ва «Черние земли» қўриқхонасидаги ҳамкасблари билан бирга ёнғинни ўчиришга киришдилар.

Баландлиги уч метр, узунлиги қарийб 20 километр бўлган олов девори кучли шамол таъсирида

йўлида учраган ҳамма нарсани ўз комига тортарди. Буюртма қўриқхонаси ходимлари қўққисдан олов исканжасида қолган қўриқхонага тегишли УАЗ автомобилени минг машаққатлар билан кутқаришга муваффақ бўлдилар. Ёнғинни ўчириш ярим тунгача давом этди. «Черние земли» қўриқхонаси директори Батаар Убушаевнинг айтишича, ёнғин майдони қарийб 6000 гектарни ташкил этди. «Степной» ходимлари ёнғинни ўчириш жараёнида бузилган трактор ва плуг кўринишида талофат кўрдилар, аммо ёнғин Буюртма қўриқхонаси ҳудудига тарқалишига йўл қўймадилар. Қўриқхонада ўсимликларнинг ноёб турлари ёниб кетди. Ёввойи ҳайвонларга нима бўлгани ҳақида бир нарса дейиш қийин, чунки заҳарли тутун ва қоронғилик «Черние земли» ҳудудида нима ёнганини аниқ кўриш имконини бермади. Уша даврда чўлда яшовчи ҳайвонлар ва паррандаларнинг аксарияти болалаган эди. Уларнинг аксарияти оловдан қочиб қутула олмаган бўлса керак.

Бу «Черние земли» қўриқхонаси ҳудудида юз берган охириги ёнғин эмас. Космосдан туриб олинган суратда кўриниб турганидек, 2015 йил июнь ойининг иккинчи ярмидан бошлаб бу ерда ёнғинлар тез-тез бўлиб турган, куйиб битган ҳудуднинг умумий майдони эса тахминан 100 минг гектарни ташкил этган. Аммо ходимларнинг моҳирона ҳаракатлари ва ўз ишига масъулият билан ёндашиши натижасида «Степной» буюртма қўриқхонаси ҳудуди ва унда яшовчи ҳайвонлар ёнғинлардан деярли жабр кўрмаган.



2015 йилнинг июнида «Черние земли» шундай ёнган эди (1 – «Черние земли» давлат табиий биосфера қўриқхонаси 2 – Астрахан вилояти «Степной» давлат табиий буюртма қўриқхонаси)

## Янгиликлар (давоми)

### «Қўриқхона ороллари дўстлари»нинг чегарасиз ҳаракати

Евгения Самтанова<sup>1</sup>, Наталья Шивалдова<sup>2</sup>

1 - Хаглишева Е.К. номидаги Яшкул кўп йўналишли гимназияси, Қалмиқистон Республикаси, Россия, [samtanova1957@yandex.ru](mailto:samtanova1957@yandex.ru); 2 - «Екотактаб» экология-ресурс маркази, [nshivaldova@mail.ru](mailto:nshivaldova@mail.ru)

Қўриқхона ороллари дўстлари» ҳаракати «Заповедники» ЭкоМаркази ташаббуси билан 2000 йилдан бери ривожланмоқда. Даставвал у ўз сафларида фақат Россиядаги кўнгилиларни бирлаштирган эди. Бу йил мазкур ҳаракат халқаро даражага чиқди ва шу тариқа табиат чегара билмаслигини намойиш этди. Россия қўриқхоналар тизимининг 100 йиллигига бағишланган ёшларнинг «Қўриқхона ороллари дўстлари» халқаро экологик конгресси 2-6 ноябрь кунлари Воронеж шаҳрида бўлиб ўтди. Конгрессда Россиянинг 24 минтақаси ҳамда Озарбайжон, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Беларусь республикаларидан 150 дан зиёд делегатлар (ёшлар, педагоглар, қўриқхоналар ва миллий боғлар вакиллари, шунингдек талабалар ва таълим муассасаларининг юқори синф ўқувчилари) қатнашдилар.

Экологларнинг халқаро анжуманида сайғоқни асраш ва ҳимоя қилиш бош мавзуга айланди. Қалмиқистон ва Ўзбекистондаги чўл клубларининг вакиллари бирлашиб, ўз табиатни муҳофаза қилиш лойиҳаларини таклиф қилдилар. Улар турли услубий ва ижодий маҳорат дарсларини ўтказдилар, анжуман қатнашчиларининг барчасида сайғоқни ҳимоя қилиш мавзусига қизиқиш уйғотдилар, сайғоқ яшайдиган жойлар яқинида истиқомат қиладиган аҳоли билан ишлашга нисбатан ўзига хос ёндашувлар билан таништирдилар.

Конгресс қатнашчилари чўл антилопалари



Ўзбекистон чўл клубларининг лидерлари энг яхши экологик лойиҳа учун мукофот олдилар. (© Д. Олдурова)

билан боғлиқ сўнги фожиали воқеалар – Қозоғистонда сайғоқлар сирли касалликдан оммавий нобуд бўлиши; Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги чегарада девор қурилиши; Россиядаги чўл ёнғинлари ва ареалнинг барча мамлакатларида давом этаётган браконьерликдан қаттиқ ташвишда эканликларини билдирдилар. Маърузачилар – Чўл клубларининг вакилларига сон-саноксиз саволлар ёғилди ва бу жараён ўз-ўзидан Чўл клублари ва Сайғоқни асраш бўйича альянснинг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун нима қилиш керак, деган мавзудаги «ақлий ҳужум»га айланди. Қизғин баҳс-мунозаралар натижасида «Сайғоқни ҳимоя қилиш учун ҳаракат»ни Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Мўғулистон, Хитой, Европа ва Америка шаҳарлари ва қўриқхона ҳудудлари яқинида ўтказиладиган марафон билан қўллаб-қувватлаш таклиф қилинди. Ҳар бирнинг моҳияти марафонни турли мамлакатларда бир вақтнинг ўзида ўтказишдан, шу тариқа кўчиб юрвчи ҳайвонлар чегара билмаслигига урғу беришдан, шунингдек сайғоқнинг барча популяциялари дуч келаётган жиддий таҳдидларга жамоатчилик эътиборини тортишдан иборат. Сиз бу ғояга нима дейсиз? Бу ташаббусни бутун дунёда қўллаб-қувватлашни таклиф қиламиз!

### «Қўриқхона ороллари дўстлари» конгрессининг тафсилотлари

Конгресснинг тантанали очилиш маросими ёрқин ва унутилмас воқеага айланди. Унга турли минтақалардан келган жамоалар ўзларини вакил қилган қўриқхона ҳудуди тимсоли акс эттирилган байроқни тайёрладилар. Қалмиқистондан келган жамоа ўз байроғида «Живое наследие» чўл клуби ва «Черные земли» қўриқхонасининг тимсоли – ҳимоясиз жажжи сайғоқ боласини акс эттирди. Сўнг барча байроқлар «Қўриқхона ороллари дўстлари» ҳаракатининг ягона катта байроғи («квилт»)га бирлаштирилди. Бу байроқ конгресснинг очилиш маросими вақтида гитара таронаси ва «Қўриқхона ороллари» мадҳияси остида қатнашчилар ўзра тантанали сузиб



Ўзбекистон ва Қалмиқистон вакиллари энг яхши экологик лойиҳа учун мукофотларни маросимда. © П. Саидов

ўтди.

2013-2015 йилларда бажарилган «Қўриқхона ороллари дўстлари» экологик лойиҳалари танлови якунларини кўриб чиқиш Конгресснинг барча қатнашчилари учун айниқса қизиқарли ва муҳим воқеага айланди. Россияда Евгения Самтанова, Ўзбекистонда эса – Наталья Шивалдова раҳбарлигида Чўл клублари тармоғини ташкил этиш бўйича экологик ташаббуслар танлов ғолиблари деб эълон қилинди. Ғолибларга дипломлар ва кичик қуёш батареялари топширилди.

Анжуманда Қалмиқистондан Яшкул кўп йўналишли гимназиясининг «Живое наследие» чўл клуби аъзолари – Эльзят Манджиев ва Тамара Убушаева ҳамда «Черные земли» давлат табиий биосфера қўриқхонаси экологик таълим ва маърифий туризмни ривожлантириш бўлимининг бошлиғи Д.Г.Олдвурова ҳам қатнашдилар. Ўзбекистондан келган жамоа таркибида энг фаол экологик клубларнинг раҳбарлари Мадина Абдиқаримова (Нукус шаҳар 37-сон ўрта мактабининг «Надежда» экологик клуби) ва Садирбай Шайменов



Қалмиқистондаги чўл клубларининг аъзолари ва уларнинг раҳбарлари. © П. Саидов

(Жаслик посёлкаси 54-сон ўрта мактабининг «Акбокен» экологик клуби) ҳам бор эди. Жюри бу мамлакатлар ташаббускор экологларининг фаолияти ва ёшларнинг ташаббусларини муносиб баҳолади. Чўл клубларининг асосий шиори: «Жонли табиатнинг ноёб компоненти – сайғоқнинг йўқ бўлиб кетишига йўл қўймаслик».

Қўшиқлар фестивали ва қатнашчилар учун дискотека Конгресснинг маданий давомига айланди. Рақслар ва кўшиқларда ҳар бир делегация турли маданиятларнинг ўзига хослигини намойиш этишга муваффақ бўлди. Қатнашчилар Эльзят ва Тамара ижросидаги



Конгресс қатнашчилари сайғоқ никобларига. © П. Саидов

«Мингнбаир» қалмиқ халқ рақсини катта қизиқиш билан томоша қилдилар.

В.М.Песков номидаги Воронеж давлат табиий биосфера қўриқхонаси билан танишув қатнашчилар учун Конгресснинг унутилмас воқеасига айланди. Конгресснинг ёш қатнашчилари экологик-маърифий квестда ва «Конгресс изи» тадбирида иштирок этдилар. Воронеж қўриқхонаси ҳудуди ва музейлар бўйлаб экскурсиялар қизиқарли ва сермазмун ўтди. Мазкур кенг қўламли экологик анжуманнинг ёпилиш маросими ҳам конгресс қатнашчилари учун унутилмас воқеага айланди. Унда анжуман якунлари кўриб чиқилди, яқин йилларда табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгиланган резолюция қабул қилинди.

Делегациялар меҳмондўст Воронеж заминини таассуротлар ва янги ғояларга тўла ҳолатда тарқ этдилар. Биз амалда «қўриқхона ороллари дўстлари»га айландик ва она юртни авайлаб асраш туйғуси табиатни муҳофаза қилиш

# Матбуотдан



Йўлида илк қадамларни ташлаётган ёш экологлар қалбида бундан буён ҳам сўнмайди деб умид қиламиз.

## Якутияда қадимги сайғоқнинг калла суяги топилди

2015 йилнинг июлида Верхоянск улусида, Адича дарёси бўйидаги Улахан Суллар манзилгоҳида, Батагай яқинида тугаб бораётган плейстоцен даврида яшаган ва мамонт фаунаси вакили ҳисобланадиган қадимги сайғоқнинг калла суяги топилди. Топилма Якутия қадимги плейстоцен даври ландшафтларининг ўзига хослигидан, унда сайғоқлар сингари чўл ҳайвонлари ҳам, ҳўкизқўй ва шимол тупкиси сингари тундра ҳайвонлари ҳам яшаганидан дарак беради. Қадимги сайғоқнинг калла суяги топилган жой олимларга тугаб бораётган плейстоцен даврида яшаган ҳайвонларнинг қолдиқлари нуқтаи назаридан узоқ йиллардан бери маълум. Калла суяги яхши сақланган – иккала шохи, тишлари бутун қолган ва олимлар фикрига кўра, ўрганиш учун яхши имкониятлар яратади. Батафсилроқ маълумот олиш учун қуйидаги ишорат бўйича ўтиб қаранг: [p://ysia.ru/](http://ysia.ru/)

[news/43865/v\\_yakutii\\_najden\\_cherep\\_drevnego\\_sajgaka.html](http://news/43865/v_yakutii_najden_cherep_drevnego_sajgaka.html)

## Сайғоқ шохларининг Хитойга ноқонуний трафики Қозоғистондан Қирғизистон орқали ўтиб келади

2015 йилнинг ноябрида Синьцзян-Уйғур автоном районининг чегара полицияси «Торугарт» назорат-ўтказиш пунктида тўрт контрабандачини ушлади ва улардан 5300 та сайғоқ шохларини ҳамда жами 160 миллион юанлик бошқа тақиқланган товарларни олиб қўйди. Ушланган юк машинаси Қирғизистондан келгани аниқланди.

Бу мамлакатда сайғоқлари яшамаслигини ҳисобга олганда, шохлар Қозоғистон сайғоқлариники бўлса керак (<http://news.21cn.com/domestic/difang/a/2015/1105/13/30237697.shtml>). Бу сўнгги йилларда Хитойда олиб қўйилган шохларнинг энг йирик туркуми. Илгари (2013 йил 5 сентябрда) Қирғизистондан Хитойга олиб кирилатган сайғоқнинг 4470 шохи олиб қўйилгани ҳақида хабар берилган эди (қаранг: SN-17).

## Қозоғистонда сайғоқ овлаш уюшган жиноятчилик шакл-шамойилини касб этди

Қозоғистон Қишлоқ хўжалик вазирлиги матбуот хизматининг маълумотларига кўра, бу мамлакатда охириг икки йил ичида сайғоқларни қонунга хилоф равишда овлаш, сотиб олиш, сақлаш, ўтказиш, ташиш ва нобуд қилиш содир этганлик учун 139 жиноят иши қўзғатилган, бунда суд органларига кўриб чиқиш учун 90 жиноят иши юборилган, улар бўйича 126 фуқаро ҳукм қилинган. Мисол учун, 2015 йил 4 майда Актюбинск вилоятининг Айтекебий туманида тўрт нолегал овчи 41 сайғоқни отиб ўлдирган (<http://www.nur.kz/827741-v-stepyakh-aktyubinskoy-oblasti-brakon.html>), 15 октябрда Қарағанда вилоятининг Нурин тумани ҳудудида янги кесилган 36 шох ва сайғоқ гўшти ортилган автомашина ушланган. Кейинроқ, Актюбинск вилояти ҳудудида яна иккита автомашина ушланган ва уларни кўздан кечириш чоғида сайғоқнинг янги кесилган 100 шохи олиб қўйилган ([http://bnews.kz/ru/news/obshchestvo/za\\_dva\\_goda\\_viyavleno\\_139\\_faktov\\_nezakonnoi\\_ohoti\\_na\\_saigakov-2015\\_10\\_27-1177953](http://bnews.kz/ru/news/obshchestvo/za_dva_goda_viyavleno_139_faktov_nezakonnoi_ohoti_na_saigakov-2015_10_27-1177953)). 2 декабрда Қизил Ўрда вилояти, Сирдарё туманининг Қумкўл манзилгоҳидан 20 километр ғарбда жойлашган «Акши» участкасида автомашина ушланган ва унда сайғоқнинг беш танаси, бир калласи ва саккиз шохи топилган (<http://www.zakon.kz/4760643-zastrelivshie-5-sajgakov-brakoney.html>). Қонунга хилоф «сайғоқ бизнеси»га қўшилганлар орасида Россия фуқаролари ҳам бор. Хусусан, Кустанайда Россия фуқароси «ноёб ва йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги, шунингдек фойдаланиш тақиқланган ўсимликлар ёки ҳайвонларнинг турлари, уларнинг қисмлари ёки дериватлари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш» учун ҳукм этилган. 2015 йилнинг майида у сайғоқнинг 82 шохини қонунга хилоф равишда эгаллаган ва воситачилар орқали пуллаш учун Алматига жўнатган. Йўлда ноқонуний юк полиция ходимлари томонидан ушланган (<http://informburo.kz/novosti/grazhdanina-rf-sudili-v-kostanae-za-nezakonnuyu-skupku-rogov-sayqi.html>).

Қозоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигининг Ўрмон хўжалиги ва ҳайвонот олами қўмиталари ходимларининг таъкидлашича, браконьерликка қарши кураш масалаларида табиатни муҳофаза қилиш тузилмалари ва ҳуқуқий тартибот органларининг ўзаро алоқасини кучайтириш талаб этилади, чунки сайғоқ овлаш уюшган жиноятчилик шакл-шамойилини касб этган.

## Сайғоқ Россия Қизил китобига киритилган бўлди

Россияда сайғоқлар сони ўта паст даражада. Ҳозирги вақтда у 4,5 минг бошдан ошмаса керак, айни вақтда пасайиш тенденцияси сақланиб қолаётир. Аммо сайғоқни қонунга хилоф равишда овлаш давом этмоқда. Хусусан, 12 августда Яшкул туманининг Тавн-Гашун посёлкасидаги ахлат тўкиладиган жойда «Черные земли» қўриқхонаси инспекторлари томонидан уч сайғоқ териси топилди. Кейинчалик Яшкул туманида яшовчи икки фуқаронинг уйдан 33 сайғоқ шохи топилди ва олиб қўйилди (<http://vkalmykii.com/rassleduetysya-delo-brakonerov>).


Сайғоқ Шимолий-Фарбий Каспийбўйи популяциясининг бундай салбий аҳволи мазкур ҳайвон турини Россия Федерацияси Қизил китобига киритиш тўғрисида принципиал қарор қабул қилинишига сабаб бўлди. «Сайғоқ Қалмиқистон Республикаси, Оренбург ва Омск вилоятларининг Қизил китобларига киритилган ва уни Россия Федерацияси Қизил китобига киритиш таклиф қилинган. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб-таомиллар бажарилганидан кейин мазкур рўйхат Россия Табиатни муҳофаза қилиш вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланади», деди Россия Табиатни муҳофаза қилиш вазирлиги Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати ва тартибга солиш департаменти директори Дмитрий Беланович 2015 йил 26-29 октябрь кунлари Тошкентда (Ўзбекистон) бўлиб ўтган Сайғоқни асраш бўйича ўзаро англашув ҳақидаги Меморандумни имзолаган томонлар 3-чи Конференциясида (юқорида қаранг). Батафсилроқ ахборот олиш учун қуйидаги ишорат орқали ўтиб қаранг: <http://www.mnr.gov.ru/news/detail.php?ID=14226>.

# Мақолалар

## Ер усти мониторингининг аҳамияти: воқеалар жойидан сайғоқлар ҳақида ҳикоя

Кристина Рисава. Биоранг-баранглик, ҳайвонлар саломатлиги ва қиёсий тиббиёт институти, Глазго Университети, [Kristyna.Rysava@glasgow.ac.uk](mailto:Kristyna.Rysava@glasgow.ac.uk)

Қозоқларда сайғоқлар қаердалигини биламан деган одам ёлгон гапиради, деган нақл бор. Сайғоқларни топиш осон иш эмас! Бу кўчиб юрвчи антилопалар тез югуради, бирон жойда узоқ тўхтамайди ва йил давомида 3 500 километрдан зиёд масофани босиб ўтишга қодир. Миграция вақтида улар бир кунда 100 километрдан ортиқ йўлни югуриб босиб ўтишлари, қисқа муддат соатига 70 километргача тезликни ривожлантиришлари мумкин. Табиийки, бундай ҳаракатчан ҳайвонлар турган жойни аниқлаш осон иш эмас.



1 (а) расм. Қозоғистонда сайғоқлар уч популяциясининг мавсумий тарқалиши: Урал (шимоли-ғарбий қисми), Устюрт (жанубий ва марказий қисмлар), Бетпақдала (шимолий ва марказий қисмлар; қора овал билан ажратилган) 2008 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда. Ҳар бир нуқта, қоида тариқасида, сайғоқлар гуруҳи устидан олиб борилган битта кузатувни ифодалайди. Ёз мавсумида тарқалиш (қизил нуқталар билан кўрсатилган) ҳайвонларнинг май ойидан сентябрь ойигача турган жойини, қиш мавсумида тарқалиш эса (кўк рангли нуқталар) – декабрдан мартгача турган жойини аниқлаш йўли билан белгиланган. Кўриб турганимиздек, барча популяцияларда қишки ва ёзги яйловлар ўртасида аниқ ҳудудий тақсимланиш мавжуд. Бетпақдаладаги кичик бир гуруҳ бундан мустасно бўлиб, у, кузатувларга кўра, бутун йил давомида бир жойда қолади.

1 (б) расм. Кўпайиш мавсуми даврида сайғоқлар ва уларни ейдиган йиртқич ҳайвонларнинг тарқалиши. 2008-2012 йиллардаги кузатишлар ёрдамида аниқланган. Катталаштирилганда мазкур минтақада бўри айниқса кўп учрайдиган йиртқич ҳайвон ҳисобланишига қарамай, сайғоқлар болалайдиган ҳудудда чўл бургутлари айниқса кўп кузатилганини кўриш мумкин.

Шунга қарамай, сайғоқ мониторинги ушбу турни асраш ва ўрганиш учун муҳим аҳамият касб этади. Сўнги ўн йилликлар давомида чўл антилопаларига таҳдид солувчи кўп сонли омиллар пайдо бўлди ва браконьерлик, яшаш жойларининг қисқариши, табиий офатлар, ҳалокатли эпидемиялар шулар жумласидан. Яқинда бундай эпидемиялардан бири мазкур ҳайвонларнинг сирли ўлатига айланди. Самарали мониторинг олиб бориш ва сайғоқлар популяциясида ўзгаришлар қаерда, қачон ва нима учун юз бераётганини англаб етиш олимларга сайғоқни асраш бўйича оқилна ва самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқишга ёрдам беради.


Бундай тез ҳаракатланадиган ҳайвонлар мониторингининг айниқса кенг тарқалган усулларида бири GPS ёки радиобўйинбоғлар ёрдамида масофадан туриб ўрганишдир. Йиғилган ахборот ҳайвонларнинг бир жойдан бошқа жойга кўчиш хусусиятларини ва ҳудуд бўйлаб тақсимланишини ўта аниқ аниқлаш имконини беради. Технологиялар жадал ривожланиши натижасида эколог олимлар энди сунъий йўлдош орқали кузатиш усулидан тобора фаол фойдаланмоқдалар. Шунга қарамай, синчиклаб кузатиш, масалан, сайғоқлар яқинида бўлган йиртқич ҳайвонларни ёки бошқа ҳолатларни аниқлаш учун ер усти мониторинги усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Хўш, ер усти мониторинги ёрдамида биз қандай ахборотни олишимиз мумкин ва у Марказий Осиёдек мураккаб географик минтақа шароитида бизга нима бериши мумкин?

Сайғоқлар кенг ҳудудда яшайди; аммо уларнинг тарқалиш соҳаси йил давомида сезиларли даражада ўзгаради. Баҳорда улар қиш совуғидан паноҳ топган жанубдаги қуруқ чўллардан ем қидириб ортга, шимолга кўчади (1а расм). Қишки яйловлардан ёзги ўтлоқларга кўчиш вақтида ҳайвонлар май ойида насл қолдириш учун икки ҳафтага тўхтайдилар. Болалаш даврида сайғоқларнинг йиртқич ҳайвонларга ем бўлиш хавфи кучаяди (1б расм). Уларнинг энг катта душманлари бўрилардир. Аммо, ҳатто майда йиртқичлар, масалан, бургутлар, калхатлар ва тулкилар ҳам янги туғилган антилопаларга ҳужум қиладилар.



Сайғоқларни визуал кузатиш уларнинг мавсумий ва ҳудудий тарқалишини ўрганиш билан бир қаторда, мазкур ҳайвонларнинг ўзини тутиши ва гуруҳга хос хусусиятлари ҳақидаги керакли маълумотларни йиғиш имконини беради. Масалан, бизга маълумки, сайғоқлар тинимсиз бир жойдан бошқа жойга кўчиб юрадилар. Аммо Бетпақдаланинг шимоли-ғарбий қисмида бир кичик пода мавжуд бўлиб, у бутун йил давомида бир жойда қолади (1а расм). Туёқли ҳайвонларнинг аксариятида (масалан, антилопа гну, оқ думли буғилар ва бошқ.) шунга ўхшаган икки ёқлама яшаш стратегиялари – кўчиб юриш ва бир жойда муқим яшашни кузатиш мумкин. Мазкур стратегиялардан улар ўзини қуршаган муҳитдаги вазиятга қараб фойдаланади.

Сайғоқлар – пода-пода бўлиб яшайдиган ҳаракатчан ҳайвонлар. Поданинг катта-кичиклиги йил фаслига қараб анча фарқ қилади ва бир неча ўн бошдан бир неча минг бошгача етиши мумкин. Сон жиҳатидан энг катта подалар болалаш, миграция ва куйиқиш даврида учрайди; пода бўлиб яшайдиган ҳайвонлар гуруҳларга йиғилиб яшаб қолиши анча осон кечади. Подада бўлиш ҳайвонларга



2-расм. Сайғоқлар подаларининг ҳажмлари (ойлар бўйича): минимал, максимал ва ўртача (одатдаги). Кузатишларга кўра, подаларнинг қизил чизиқ билан кўрсатилган ўртача ҳажмлари бутун кузатишлар даврида (2008 йилнинг апрелидан 2012 йилнинг декабригача) унча катта бўлмаган. Камдан-кам ҳолда кузатишларда турли сабабларга кўра қисқа муддатга узилиш юз берган. 2009 йилнинг сентябридан 2010 йилнинг январигача бўлган даврда сони 15 000 бошгача бўлган подалар қайд этилган (қора ранг билан белгиланган); шунингдек ҳажм жиҳатидан катта подалар 2010 йилнинг декабридан 2011 йилнинг ноябригача қайд этилган. Қиш мавсумида ҳайвонлар сонининг кўплиги ва болалаш даврида (май) улар сонининг нисбатан камлиги қиш ойларида сайғоқлар ўртасида ўлим даражасининг катталигидан далолат бериши мумкин. Бошқа томондан, баҳор мавсумида рўйхатга олинган сайғоқлар сонининг озлиги болалаш даврида ҳайвонлар сонининг кўплиги туфайли подаларнинг ҳажмларини баҳолашда йўл қўйилган хато натижаси бўлиши мумкин.


ҳавф-хатарни тез аниқлаш ва йиртқичлар ҳужумидан яхши ҳимояланиш имконини беради. Олдинги тадқиқотлар (Милнер-Гулланд, 2010) сайғоқлар сони камайиши натижасида уларнинг йирик подаларга йиғилиши тобора қийинлашаётганини, бу уларнинг йиртқич ҳайвонларга ем бўлиш хавфини кучайтираётганини ва нобуд бўлган ёш сайғоқлар сонининг кўпайишига олиб келаётганини кўрсатган. 2009 йилдан 2011 йилгача бўлган даврда биз сайғоқларнинг подалари майда, кўпайиш даврида ҳайвонлар сони жиҳатидан қишқи подалар билан таққослаганда анча кичрайганини аниқладик (2-расм).

Подаларга бирлашишнинг муҳимлиги узоқ йиллардан бери аниқ бўлса-да, популяция динамикасига ёш-жинс таркиби таъсирининг аҳамиятини биз фақат ҳозир тушуна бошляпмиз. Илгари эркак сайғоқлар сонининг қисқариши мазкур тур учун жиддий таҳдид солмаган. Сайғоқлар полигам тур бўлиб, куйиқиш даврида эркак ҳайвонлар ўз атрофида 2-15 урғочидан иборат “ҳарам” тўплайди ва уларни ўз рақибларидан ҳимоя қилади, сўнг эса қочиради. Хўш, эркак сайғоқлар сонининг қисқариши жиддий муаммо ҳисобланадими, йўқми?

Эркак сайғоқларнинг шохлари борлиги ва танасининг ўлчамлари янада йириклиги туфайли улар фаол овланиши натижасида Шимоли-Ғарбий Каспийбўйи ҳудудида яшайдиган сайғоқ популяциясининг айрим гуруҳларида уларнинг жинсий нисбати 100 урғочига 1 эркак сайғоқ даражасигача қисқарди (Milner-Gulland *et al.*, 2003). Сифатли наслдор эркак сайғоқлар сонининг етарли эмаслиги популяциянинг насл қолдириш имкониятлари пасайишига олиб келди. Ёш эркак сайғоқлар тажрибасиз ва урғочини самарали қочиришга доим ҳам қодир эмас, шу сабабли жинсий етилган эркак сайғоқларнинг йўқлиги ҳам популяциянинг умумий насл қолдириш қобилияти пасайишига олиб келади.

Ер устида юритилган ҳисобларнинг маълумотлари ҚБРАУ томонидан тақдим этилди ва 2008-2012 йилларда Қозоғистонда сайғоқнинг ҳолати ва унинг ўзгариши жараёнларини ўрганиш мақсадида муаллиф томонидан таҳлил қилинди. Мониторинг ва маълумотлар йиғиш 45 кузатувчи, асосан давлат инспекторлари ва ҚБРАУ ходимлари томонидан амалга оширилди.

## Мақолалар (давоми)




3-расм. Қозоғистонда сайғоқлар популяциясининг жинсий нисбати. 2008-2012 йилларда ер усти мониторинги ёрдамида аниқланган. Бутун йил давомидаги кузатувлар ҳам (а), куйиқиш давридаги (декабрь) кузатишлар ҳам (б) илгари Шимоли-Ғарбий Каспийбўйида яшайдиган сайғоқлар популяциясида қайд этилган урғочи сайғоқлар сонининг анча кўплиги (бир эркакка 20 дан зиёд урғочи) билан боғлиқ вазият Қозоғистонда мавжуд эмаслигини кўрсатади. 2011 йилнинг декабрида куйиқиш даврида мониторинг ўтказилмаган.

Кузатувлар даврида Қозоғистонда ёш-жинс таркибидаги ўзгаришлар туфайли насл қолдириш имкониятларининг пасайиши қайд этилмади ва бу ҳолни Қозоғистонда сайғоқлар популяцияси ҳам жам жиҳатидан Шимоли-Ғарбий Каспийбўйидаги популяциядан анча катта эканлиги билан изоҳлаш мумкин бўлса керак (3-расм). Аммо бу маълумотларга эҳтиёткорлик билан қараш лозим, чунки ҳайвонларнинг жинсини ҳам, ёшини ҳам аниқлаш анча мушкул иш (3, 4-расм). Сайғоқлар одатда ё бир-бирига ҳаддан ташқари яқин ерда жойлашади, ё кузатувчидан анча узоқда туради ва бу ҳол уларни индивидуал идентификация қилишни қийинлаштиради, ёш сайғоқларни ёши катта сайғоқлардан фарқлаш имконини бермайди. Ноаниқлик омилини ҳисобга олганда, аниқ ҳулосалар чиқариш анча мушкул.

Сайғоқларни визуал кузатиш бу борада катта маҳорат талаб қилади. Қозоғистонда уларнинг подаларини кузатиш техник қийинчиликлар ва иқлим шароитини ҳисобга олганда,

шунингдек молиявий ва инсон ресурслари тақчиллиги туфайли янада мушкул иш. Ер усти мониторинги ёрдамида тўпланган маълумотлардан популяция динамикасига таъсир кўрсатаётган омилларни таҳлил қилиш учун кенг фойдаланилмайди ва бу мавсумий омиллар, дала шароитлари билан белгиланадиган хатоликлар ва ноаниқлар билан боғлиқ. Аммо ер усти кузатишлари ўрнини ҳеч нарса боса олмайди, чунки фақат улар ҳайвонларнинг ўзини тутишини, популяциялардаги ўзгаришлар тенденцияларини, шунингдек айрим ўзига хос омиллар, масалан, сайғоқлар экологиясига таъсир кўрсатадиган рельеф хусусиятларини яхши ўрганиш имконини беради. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар кенг ҳудудларда кузатувлар олиб бориш, муаммоли жойларни аниқлаш, аралашув стратегияларини ишлаб чиқиш, асосий таҳдидларни аниқлаш, уларнинг таъсирини мумкин қадар камайтириш учун тезкорлик билан қарорлар қабул қилиш орқали улкан ишни бажаришлари лозим. Ер усти мониторинги реал вақт режимида бошқаришни амалга ошириш учун самарали ва рентабел воситадир, аммо уни янада такомиллаштириш мумкин. Бироқ мазкур дастурга ўхшаш тадқиқот дастурлари маблағ тақчиллиги туфайли тўхтатилиш хавфи остида. Уларни маълумотлар тўплаш техникаси такомиллаштирилгунга қадар ҳам тўхтатишлари мумкин. Мазкур дастурларнинг бюджетини кесмаслик, балки улар олиш имконини берадиган ахборот учун уларни кадрлаш ва янада самарали мониторинг учун такомиллаштириш зарур. Бунга эришиш йўлини эса ҳар доим топиш мумкин, фақат истак бўлса бас.



4-расм. 2008 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда сайғоқлар популяциясининг ёш таркиби. Кўп сонли сайғоқлар ёши ноаниқ бўлиб қолган (кулранг). Сайғоқларни ёш ва жинс гуруҳларига аниқ ажратиш жуда мушкул иш, айниқса узоқ масофадан туриб. Бинобарин, 3 ва 4-расмларнинг маълумотларидан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш зарур.

## «Степной» буюртма кўриқхонаси (Астрахан вилояти) ҳудудида артезиан қудуқларининг сайғоқ ҳаёти учун аҳамияти

Гилёев А. Н., Каренина К. А. Санкт-Петербург давлат университети, умуртқали ҳайвонлар зоологияси кафедраси [zoology.gilev@gmail.com](mailto:zoology.gilev@gmail.com), [angil\\_1305@mail.ru](mailto:angil_1305@mail.ru)



Турли сув манбалари, шу жумладан артезиан қудуқлари суви, айниқса сайғоқлар ҳаётининг нозик давлари – болалаш ва ёш сайғоқларни эмизиш даврида, жазирама офтоб остида ўсимликлар қовжирайдиган паллада муҳим роль ўйнаши яхши маълум. Биз артезиан қудуқларининг сайғоқлар учун ўрни ва аҳамиятини янада муфассал ўрганишга ҳаракат қилдик. Мазкур мақола учун асос бўлган кузатувлар 2015 йил 11-30 май кунлари Астрахан вилоятидаги «Степной» давлат буюртма кўриқхонаси ҳудудида ўтказилди. Артезиан қудуғидан кўп миқдорда сув қуйиладиган жой яқинида кузатувлар учун ниқобланган, теварак атрофни кузатиш имконини берадиган тешиқлар очилган кичик бир чодир ўрнатилди. Кузатувлар ҳар куни одатда 3:00 дан 11:30 гача ва 17:00 дан 19:30 гача бўлган даврда ўтказилди. Икки кузатувчи чодирга киргач, кузатув зонасида сайғоқлар йўқолгандан кейингина уни тарқ этдилар. Бинокуляр орқали давомли кузатишлар, фото- ва видеосъёмка ўтказилди. Ҳайвонлар турли томонлардан суратга олинди ва кейинчалик суратлардан айрим

сайғоқларни ранги, чандиқлари, туки тўқилган жойлари ва бошқа табиий белгиларига кўра индивидуал идентификация қилиш учун фойдаланилди. Эркакларни идентификация қилиш учун уларнинг танасидаги пигментлар, шох асосидаги кўндаланг ҳалқалар шакли ва ўрни муҳим белги бўлиб хизмат қилди. Урғочи сайғоқларда аниқ индивидуал белгилар (чандиқлар, доғлар ва ш.к.) мавжуд бўлмаган ҳолда уларни таниб олиш учун пешонасидаги қашқаси хусусиятлари (шакли, узунлиги, ранги) дан фойдаланилди.

20 кунлик кузатишлар даврида сув ичиш учун келган сайғоқлар сони кунлар бўйича анча фарқ қилади. Кузатувлар даврида кундузги ҳаво температураси +17 дан +35°С гача, ўрта ҳисобда +25±1°С бўлди ([www.gismeteo.ru](http://www.gismeteo.ru) сайти маълумотларига кўра Лиман п.да). Тахминий баҳолашларга кўра бир кунлик кузатишлар давомида артезиан яқинида 51 бошдан 1569 бошгача (ўрта ҳисобда 466 ± 119) сайғоқлар қайд этилди. Сайғоқларнинг энг миқдори 23, 25 ва 26 майда қайд этилди (тегишли равишда 1569, 923 ва 1094 бош). Кузатувлар

## Мақолалар (давоми)



Сайғоқ боласи артезиан сувини ичяпти.  
(© А. Гилёв, К. Каренина)

«қуйи нуқта»дан ва фақат куннинг муайян вақтида ўтказилгани туфайли, артезианга ташриф буюрган сайғоқлар сони амалда анча кўп бўлган бўлиши мумкин. Индивидуал идентификация қилиш натижалари аксарият сайғоқлар артезиан олдида турли кунларда такроран келганини кўрсатди (қайд этилган максимум – 12 кун ичида 18 марта). Бу «Степной» буюртма қўриқхонаси ҳудудида артезиан қудуғидан сув куйилиши бу ерда сайғоқлар популяцияси мавжудлиги учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди.

### Артезиан сув ва минерал моддалар манбаси сифатида

Кузатувларимиз жами 195 соатни ташкил этди ва бу давр ичида биз сайғоқлар артезианга яқинлашгач, биринчи навбатда қирғоқлардаги сувни ичишга ёки яланғоч тупроқни чайнашга киришганини қайд этдик. Айрим сайғоқлар сувга яқинлашмади, аммо артезианга келган чайғоқларнинг барчаси узоқ муддат (40 минутгача) тупроқни чайнади. Гилли тупроқни минерал моддалар ва токсинларни бартараф этиб, ичак флорасини нормал ҳолатга келтирадиган табиий адсорбент сифатида ейиш кўпгина қушлар ва сут эмизувчиларга хос. Шундай қилиб, артезианлар сайғоқлар учун минерал моддалар манбаси бўлиб ҳам хизмат қилади. Минералларга бой тупроқни ечиш болалаш даврида алоҳида аҳамият касб этса керак, чунки артезианга кўп сонли ҳомиладор урғочи сайғоқлар келди ва асосий вақтни улар айнан тупроқ ейишга сарфлади. 12 кун давомида кузатилган (ҳам болалашдан олдин, ҳам болалашдан кейин) индивидуал

идентификация қилинган урғочи сайғоқлар улар артезиан олдида кузатилган ҳолларнинг ҳар бирида тупроқ ейишгани қайд этилди. Артезиан олдида келган бошқа сайғоқлар – яқка ҳайвонлар, урғочи ва эркак сайғоқлардан иборат аралаш гуруҳлар, бир нечта эркак сайғоқдан иборат гуруҳлар ҳам тупроқ егани кузатилди. Артезиан олдида болалари билан бирга келган урғочи сайғоқларда тупроқ ейиш айниқса кўп вақтни олди. Жажжи (6-8 кунлик ва ундан катта) сайғоқлар тупроқ ейишга уринмадилар, аммо артезиан олдида оналари билан бирга ёки уларсиз бўла туриб, аксарият ёш сайғоқлар кўп ва узоқ сув ичдилар (2-расм). Бу ҳол сайғоқларнинг кичик ёшли болалари фақат она сутини ичади, деган фикрни рад этади.

### Артезианларнинг ижтимоийлашув ва дам олиш учун аҳамияти

Артезиан қирғоқларидаги ўсимликлардан холи, текис ва кенг ҳудуд сайғоқлар учун фаол ижтимоий алоқа қилиш жойи бўлиб хизмат қилди. Ёш эркак сайғоқлар ўртасида беллашув тарзидаги ўйинлар айниқса кўп кузатилди. Бундай беллашувлар одатда қисқа муддат давом этди, кўпинча эркак сайғоқлардан бири ёки иккаласи тупроқ ейишга киришиши билан тугади ва улар ўз шерикларини тез-тез ўзгартириши билан тавсифланди. Бунда эркак сайғоқлар бир-бирларига шикаст етказмадилар. Бундай «машқ» беллашувлар бўлғуси куйиқиш даврида эркак сайғоқлар фаол ҳаракат қилишлари учун зарур бўлса керак. Сув ичиш жойига урғочи сайғоқлар гуруҳи билан бирга келган катта ёшли эркак сайғоқлар яқинлашган бошқа эркак сайғоқларни қувиб юбордилар, шунингдек урғочи сайғоқларни тинимсиз бир подага (жойга) тўплашга ҳаракат қилдилар. Гуруҳда эркак сайғоқлар сони биттадан ортик бўлса, улар тез-тез беллашувга киришдилар. Бундай беллашувларда агрессия кичик ёшли эркак сайғоқлар ўртасидаги беллашувлар билан таққослаганда анча кучли бўлди. Аммо иккала ҳолда ҳам ҳайвонлар бир-бирига жиддий шикаст етказмадилар.

Артезиан яқинидаги очиқ жойларда урғочи сайғоқлар ҳам бир-бирлари билан ижтимоий алоқаларга киришдилар, аммо уларнинг ўртасида бир-бирини сузиш ва бир-бирига сакраш ҳоллари кам кузатилди. Баъзан бундай тўқнашувлардан кейин ташаббусчи урғочи сайғоқ бошқа урғочи сайғоқни тахминан 20-40 секунд таъқиб қилди. Вақти-вақти билан урғочи сайғоқлар тумшуғини бошқа урғочи сайғоқнинг бошига сурқаб, дўстона муносабатни намоён

этдилар. Одатда бундай алоқалар артезиан олдига бирга келган ва афтидан, бир гуруҳга мансуб бўлган урғочи сайғоқлар ўртасида кузатилди.

Урғочи сайғоқлар сувлоққа болалари билан бирга келганда, ёш сайғоқлар ўртасидаги ўйинлар ижтимоий алоқаларнинг айниқса кўп учрайдиган тури бўлди. Бундай ўйинлар кўпинча бир урғочи сайғоқнинг икки боласи ўртасида кузатилди, аммо вақти-вақти билан турли урғочи сайғоқларнинг болалари ҳам вақтинчалик бирлашмаларни шакллантириб, ўзаро ўйинга киришдилар. Бундан ташқари, сайғоқ болалари катта сайғоқлар, шу жумладан эркак сайғоқлар билан ҳам ижтимоий алоқаларга киришган ҳоллар кузатилди. Артезиан яқинидаги ҳудуд ёш сайғоқларнинг ижтимоийлашуви учун хавфсиз жой бўлса керак. Бу ерда сайғоқ болалари онасидан анча узоқ кетиши ва унинг диққат майдонида қолиши мумкин. Бошқа сайғоқлар билан фаол алоқалар ёш сайғоқларда ижтимоий кўникмалар шаклланиши учун муҳим. Умуман олганда, артезианлар яқинида ижтимоий ўзаро алоқалар учун алоҳида шароитлар

популяциянинг нормал мавжудлиги ва кўпайиши учун имконият яратиши мумкин.

Артезианлар сайғоқлар учун дам олиш жойи бўлиб ҳам хизмат қилади. Бу ерда ҳам эркак, ҳам урғочи сайғоқлар вақти-вақти билан ерга ётиб дам оладилар. Дам олиш вақтида ҳайвоннинг боши одатда кўтарилган ҳолатда бўлади. Урғочи сайғоқлар кўпинча 5-10 сайғоқдан иборат кичик гуруҳларга бўлиниб дам олади. Эркак сайғоқлар беллашувлар ёки урғочи сайғоқларни бир ерга тўплашлар оралиғидаги танаффусларда фақат бир неча секунд ётиб дам оладилар. Ўсимликдан холи кенг макон атрофни кузатиш учун қулай имконият яратса ва шу тариқа дам олиш учун хавфсиз шароитларни таъминласа керак.

Муаллифлар «Степной» буюртма қўриқхонаси ходимлари ва шахсан унинг директори Владимир Калмиковга тадқиқотни ташкил этишда ёрдам кўрсатгани ва сайғоқни асраш ишига катта ҳисса қўшаётгани учун ўз миннатдорчилигини билдирадилар. Иш Россия фундаментал тадқиқотлар жамғармаси мадади билан бажарилди (14-04-31390-сон грант).

## Устюрт платосининг Ўзбекистон қисмида сайғоқ гўштини қонунга хилоф равишда истеъмол қилишни ҳаракатлантирувчи омиллар

Лаура Кор<sup>1</sup>, Мария Грицина<sup>2</sup>, Елена Бикова<sup>2</sup>, Карлин Сэмюэл<sup>3</sup>, Э.Ж. Милнер-Гулланд<sup>1</sup>

1- Империя коллежи, Лондон, Буюк Британия. 2-Ўсимликлар ва ҳайвонлар генофонди институти, Ўзбекистон.

3 - Сайғоқни асраш бўйича альянс, Буюк Британия. Муаллиф-муҳбир: Лаура Кор, [laurabkor@gmail.com](mailto:laurabkor@gmail.com)

### Кириш

Устюрт платосида сайғоқлар популяциясига инфратузилмани ривожлантириш ва браконьерлик билан боғлиқ бир қатор хавф-хатарлар таҳдид солишда давом этмоқда. Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги чегарада ҳайвонларнинг бир жойдан бошқа жойга кўчишини жиддий қийинлаштирадиган тўсиқ барпо этилганидан кейин Устюрт платосининг Ўзбекистон қисмида яшайдиган сайғоқлар популяциясининг қолган қисмини ҳимоя қилиш учун овчилик муаммосини ечиш зарурати пайдо бўлди.

Ушбу тадқиқотда одамлар томонидан қарорлар қабул қилиш жараёнини ўрганиш учун биз ижтимоий-психологик асос сифатида режалаштирилган хулқ-атвор назарияси (РХН) дан (қаранг: Маббутт ва бошқ. Saiga News, 19-сон) фойдаландик. Биз одамларнинг сайғоқ гўштини истеъмол қилишга, сайғоқни асраш ва браконьерлик масалаларига бўлган муносабатини аниқлашни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйдик.

### Методология

2015 йилнинг майи ва июнида Ўзбекистонда сайғоқлар яшайдиган айрим ҳудудларда уй мулкларини миқдор жиҳатидан тадқиқ этиш ва асосий информантларнинг хулқ-атворини ўрганиш мақсадида улар билан сўров ўтказиш учун муаллифлар томонидан тегишли анкета сўрови амалга оширилди. Уй мулкларини тадқиқ этиш учун анкеталарда РХН билан белгиланадиган хулқ-атворнинг уч мезони кўриб чиқилди: муносабат, ижтимоий меъёрлар ва идрок этиладиган хулқ-атвор назорати. Сўровлар махсус билимли респондентларнинг идрок этишини ўрганишда ўта мослашувчанликни таъминлашга қаратилди.

Устюрт платосида жойлашган Қирқ қиз ва Қибла Устюрт қўрғонларида жойлашган 104 уй мулкида анкета сўрови, шунингдек шу қўрғонларда ҳамда Нукус ва Тошкент шаҳарларида яшайдиган 15 асосий информант ўртасида сўровлар ўтказилди. Сайғоқ гўшти истеъмол қилиш ва браконьерлик тўғрисидаги

## Мақолалар (давоми)



масалалар муҳокамаси алоҳида сиполикни талаб қилди, бунда респондентларнинг 31 фоизи жавоб беришдан бош тортдилар.

### Натижалар


#### Сайғоқ гўшти билан савдо қилишда ўзгаришлар

Респондентларимиз сайғоқ гўштини истеъмол қилиш ва сотиб олиш даражаси ўтган йиллардагидан пасайганини тахмин қилдилар; бу тенденция қонунларга риоя этилишини таъминлаш ёки билимлар даражасини оширишдан кўра сайғоқ сонининг камайиши билан боғлиқ. Гўштни қўлга киритиш

усуллари ва уни истеъмол қилувчиларнинг иқтисодий мақоми ўзгарди. Сайғоқ гўшти энди “камбағаллар учун гўшт” ҳисобланмайди ва уни фақат камбағаллар ейишни исташи мумкин, деган фикрга респондентларнинг атиги 13 фоизи қўшилди. Шаҳарлик ўзига тўқ истеъмолчилар томонидан унга бўлган талаб кучайди ва улар тўғридан-тўғри браконьерларга уни буюртма қила бошладилар. Бундан ташқари, сайғоқларни қонунга хилоф равишда овлашда чўпонларнинг роли аниқланди: улар сайғоқлар турган жой ва инспекторларнинг яқинлашаётгани ҳақида браконьерларни огоҳлантиришар экан.

#### Билимнинг аҳамияти

Билимлар даражаси сайғоққа бўлган муносабатни белгилайди, яъни сайғоқ экологияси ва қонунларни яхши биладиган одамларда сайғоқларга ижобий муносабат кузатилади (Спирмен корреляция коэффиценти:  $r_s = 0.434, p < 0.01$ ). Билимлар даражаси респондентларнинг жинси, яшаш жойи ва бандлик мақомига кўра ўзгаради, бироқ, умуман олганда, паст: сўров иштирокчиларининг 34 фоизигина сайғоқ гўштини истеъмол қилиш қонунга хилоф эканлигини тан олди. Сайғоқ гўштини ейиш қонунга хилоф эканини билмаганларини айтган одамлар ҳам сайғоқ гўштини истеъмол қилиш нормал бир ҳолат эканлигини қайд этдилар (T-test;  $t = 2.21, df = 99, p = 0.03$ ). Сайғоқни асраш бўйича альянснинг ахборот-маърифий фаолиятдан хабардорлик



даражаси паст. Сайғоқ куни ўтказилгани ҳақида респондентларнинг атиги 26 фоизи эшитган ва 11 фоизи Чўл клублари ҳақида билади. Бунинг ажабланидиган жойи йўқ, чунки мазкур қўрғонларда табиатни муҳофаза қилиш фаолияти Альянс фаол иш олиб бораётган Жаслик ва Қорақалпоғистон қўрғонлари билан солиштирганда нисбатан чекланган (бу браконьерларнинг аксарияти яшайдиган энг йирик аҳоли яшайдиган пунктлар). Умуман олганда, сўров қатнашган 101 кишидан 8 нафари илгари Сайғоқ кунини ўтказишда иштирок этган.

### Хулосалар ва тавсиялар

Олинган натижалар қуйидаги ҳаракатларни ва Устюрт платосида сайғоқни асраш бўйича бўлғуси ташаббусларни амалга ошириш учун жалб қилишни талаб этадиган мақсадли гуруҳларни биринчи ўринга чиқаради:

- Ёввойи ҳайвонларни овлашга қарамликни камайтириш учун Устюрт қўрғонларида гўштининг мақбул муқобил турларини кўпайтириш лозим.
- Сайғоқни асраш бўйича ташаббусларга ҳозир сайғоқ гўшти билан савдо қилишни рағбатлантираётган йирик шаҳарлар, хусусан, Нукусда яшайдиган ўзига тўқ одамларни фаол жалб қилиш зарур.
- Чўпонлар браконьерлик фаолиятига кўмаклашаётганлари аниқланди. Бу уларни сайғоқни асраш ишига, масалан, ёввойи табиат ҳолатини кузатувчилар сифатида ёллаш орқали жалб қилишни талаб этади.
- Маҳаллий аҳолининг сайғоқлар ва ёввойи табиат бошқа вакиллари ҳақидаги

### Хулқ-атворни белгилайдиган омиллар

Одамлар, умуман олганда, сайғоқ гўштини истеъмол қилишга ижобий ёндашган бир вақтда, уни сотиб олиш имкониятининг камлиги бу гўштни истеъмол қилиш даражаси пасайишига олиб келди (2-расм). Шу сабабли сайғоқни қонунга хилоф равишда овлаш асосий омиллари билан боғлиқ муаммоларни ечиш устида ишни давом эттириш лозим.

билимларини оширишни давом эттириш лозим. Сайғоқни асраш бўйича альянс (SCA) ўз фаолиятини янада фаоллаштириши зарур.

- Сайғоқ гўштини истеъмол қилиш маҳаллий аҳоли анъанавий маданиятининг бир қисми ҳисобланишини инobatга олиб, келажакда барқарор овни қайта тиклаш орқали сайғоқни асраш ишини рағбатлантириш мақсадга мувофиқ бўлса керак. Бу маҳаллий жамоани қўллаб-қувватлайди ва сайғоқни асрашга рағбатлантиради.
- Қозоғистон ва Ўзбекистон чегарасидаги тўсиқ сайғоқ популяциясининг қисқаришига имконият яратаётган ўта жиддий омил ҳисобланади ва халқаро ҳамкорликни ҳамда салбий таъсирни камайтиришни талаб қилади.

Ушбу ишни қўллаб-қувватлагани учун Дисней табиатни асраш жамғармасига миннатдорчилик билдирамыз. <http://www.iccs.org.uk/wp-content/uploads/2015/11/MSc-Thesis-LKor.pdf>

## Мақолалар (давоми)

### Ёшлик орзулари: Қозоғистонда табиатни муҳофаза қилиш бўйича янги ташаббусларни амалга ошириш учун ёшларнинг орзу-ниятларидан қандай фойдаланиш мумкин?

Софи Эллиот<sup>1</sup>, Жанна Аксартова<sup>2</sup>, Карлин Сэмүэл<sup>3</sup>, Э.Ж. Милнер-Гулланд<sup>3</sup>  
Муаллиф-мухбир: Э.Дж. Милнер-Гулланд [ej.milner-gulland@zoo.ox.ac.uk](mailto:ej.milner-gulland@zoo.ox.ac.uk)

1 - Империя коллежи, Лондон, Буюк Британия, [floatingteabags@yahoo.co.uk](mailto:floatingteabags@yahoo.co.uk) 2 - Қозоғистон биологик ранг-барангеликни асраш уюшмаси. 3 - Сайғоқни асраш бўйича альянс, Буюк Британия.



Ушбу тадқиқотнинг мақсади – Қозоғистон ўсмирлари ва ёшларининг ижтимоий соҳадаги интилишлари ва орзуларини аниқлаш ҳамда сайғоқни асраш бўйича амалдаги ташаббусларга уларни жалб этиш йўлларини муҳокама қилиш. Тадқиқот 2014 йил майдан августгача ўтказилган ва Қозоғистоннинг Урал қисмидаги Ажибай ва Нурсай посёлкаларида яшайдиган 56 ўсмир билан ўтказилган сўровга ҳамда Буюк Британия, Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Мўғулистондаги олти табиатни муҳофаза қилиш тарафдори тўлдирган анкеталарга асосланган.

Қозоғистон посёлкаларида аксарият ўсмирлар ўқитувчи, шифокор, архитектор/дизайнер, табиатни муҳофаза қилиш мутахассиси ва ашулачи бўлишни орзу қилади. Ўсмирларнинг интилишларини уларнинг бўлғуси касбга доир прогнозлари билан солиштириш айниқса кўп мувофиқлик кузатилган ихтисосликлар ашулачи, архитектор/дизайнер, рассом, давлат амалдори, спортчи ва инспектор эканлигини кўрсатди (1-расм). Ўқитувчи бўлишни тахмин қилган ўсмирлар сони ўқитувчи бўлишни орзу қилганлар сонидан кам бўлиб чиқди.

Ўсмирлар ўзлари орзу қилган касбни ўзлаштиришларига нима ҳалақит бериши мумкинлиги ҳақида ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар. Аксарият ҳолларда сабаблар сифатида маълумот ёки имтиҳон натижалари

(уларни ўсмирларнинг 25 фоизи кўрсатди) ва пул ёки молиявий омиллар (ўсмирларнинг 21 фоизи) айтилди. Маълумот ёки имтиҳон натижаларини монелик қилувчи омил сифатида кўрсатган 14 ўсмирдан 13 нафари олий маълумотни талаб қиладиган касбни ўзлаштиришни истади: врач, дастурчи ёки архитектор. Улар ўзлаштиришни истаган касблар пул ёки молиявий омиллар билан ҳам боғлиқ бўлиб, бунда ўсмирлар олий маълумот зарурлигини чекловчи омил деб ҳисоблайдилар.

Ўсмирларнинг орзулари ва бўлғуси касб ҳақидаги прогнозини уларнинг ота-онаси касб-кори билан таққослаш диққатга сазовор. Аксарият ота-оналар «уйда ўтирган», яъни ишсиз бўлган (буни 23 ўсмир кўрсатди). Шунга қарамай, ўсмирларнинг бирортаси ҳам келажакда ишсиз бўлишни орзу қилмайди ва прогнозлаштирамайди. Қизлар ҳам фақат уй бекаси ёки она вазифаларини бажарадиган рафиқалар бўлиш ниятини билдирмадилар ва касб танлаш билан боғлиқ жавобларни бердилар. Бунинг диққатга сазовор томони шундаки, мазкур минтақада аксарият қизлар 18-20 ёшда турмушга чиқади. Бинобарин, ўсмирлар ўз ота-онаси буюрган иш билан шуғулланишни истамайдилар, шунингдек келажакда шундай иш билан шуғулланишни прогноз қилмайдилар. Ота-оналарнинг умумий касб-корларидан бири хусусий бизнесни юритишдир, аммо ота-онаси бундай иш билан шуғулланадиган ўсмирларнинг бирортаси ҳам ўзи учун бундай келажакни истагани ёки прогноз қилгани йўқ. Худди шунингдек, Нурсайда яшайдиган уч ўсмир ўз ота-онаси кишлоқ хўжалигида ёки чорвачиликда банд эканлигини кўрсатди, аммо уларнинг бирортаси ҳам бу касбларни ўзлари орзу қилган ёки келажакда прогнозлаштирган касблар орасида тилга олмади.

Ўсмирлар бўш вақтида нима билан шуғулланишлари ҳақида ҳам ахборот тақдим этдилар (2-расм). Бу жавоблардан ўсмирлар қатнашишни ёқтирадиган фаолият ва тадбирларни режалаштиришда фойдаланиш мумкин; масалан, бизнинг танланмада 26 ўсмир (қизлар ва йигитлар) спорт турлари



билан шуғулланишни ёқтиришларини билдирдилар ва шу сабабли спорт ўсмирларни сайёқни асраш борасидаги фаолиятга жалб қилишнинг яхши усулига айланиши мумкин. Компьютерлар билан боғлиқ фаолиятга ҳам қизиқиш кучли ва шундан келиб чиқиб, ўсмирларни табиатни асраш борасидаги халқаро фаолиятга онлайн режимида жалб қилиш кейинги ҳаракатларнинг фойдали йўналишига айланиши мумкин, деб тахмин қилиш мумкин.

Ажибай ва Нурсай посёлкаларида ўсмирлар билан ўтказилган сўров натижаларига кўра ва табиатни муҳофаза қилиш тарафдори бўлган ёшлар тўлдирган анкеталар асосида ёшларни жамоатчилик фаолиятига жалб қилиш юзасидан махсус тавсиялар ишлаб чиқилди. Ўсмирлар бандлиги психологиясига оид адабиётларга асосланиб, биз ўз тавсияларимизда асосий эътиборни ўсмирлар хулқ-атворини ўзгартириш ва уларга ўз қизиқишлари соҳасига тенгдошларини жалб қилишни ўргатишга қаратамиз. Масалан:

- Уй ишини бажариш бўйича тўғаракларга қатнаш ёки репетиторлар билан шуғулланиш ўсмирларда ўз орзусига эришишга бўлган ишончни кучайтириши мумкин.

- Бўлғуси касбларни ўзлаштиришга асосланган ёшларнинг кўнгилочар тадбирларида қатнашиш уларнинг жалб қилувчанлигини янада кучайтириши мумкин. Масалан, қушларга ин ёки сайёқларга ёғин-сочинлардан бошпана қуриш қурувчи касбининг жалб қилувчанлигини кучайтириши ва уларнинг хулқ-атворига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

- Сайёқ кунини нишонлаш вақтидагина эмас, балки бутун йил давомида сайёқни асраш борасида фаолият олиб бориш ўсмирлар (ва уларнинг ота-оналари) сайёқлар билан боғлиқ мушкул вазият ҳақида унутмасликларини кафолатлаши мумкин. Масалан, сайёқлар ҳақида энг яхши ҳикоя учун танловлар ўтказиш мумкин, бунда ғолиб чиққан ҳикоялар тўпламларда чоп этилади; мутолаа тўғараклари ташкил этиш мумкин, бунда уларга китоблар ва бошқа адабиётлар табиатни муҳофаза қилувчи ННТ томонидан тақдим этилади; чўл санъати танловларини ўтказиш мумкин, бунда ғолиблар амалий маҳорат ва табиатни муҳофаза қилиш ғоясини яхши акс эттирганлик учун мукофотланади.

- Қишлоқ аҳолиси деворга расм чизиш тўғараги аъзоларига ўз уйларининг деворларига чўл ҳайвонлари ва ўсимликлари расмларини



чизишни сўраб мурожаат этишлари мумкин ёки сайёқлар ҳақида қўшиқлар клуби ташкил этилиши ва унда ўсмирлар ўз мусиқий видеороликларини яратишлари ва уларни ўзлари ёки ННТ орқали онлайн режимида жойлаштиришлари, шунингдек иқтидорли ўсмирлар шоуси ўтказилиши ва унда жюри таркибига уларнинг тенгдошлари киритилиши мумкин.


- Ранг-баранг спорт турлари бўйича сайёқ рамзи остида беллашадиган жамоалар ташкил этиш мумкин. Улар мусобақаларда иштирок этадилар, уларнинг мураббийлари сифатида жамоат арбоблари, полиция вакиллари, ота-оналар амал қилиши мумкин.

- Чўл экологик клублари фаолиятига алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Улар туристик сафарлар, мусобақалар, танловлар, ўқув курслари ташкил этишлари мумкин; бундай клублар ҳар ой ўз таркибига ҳамжамият аъзоларини ўсмирлар учун сафарлар ёки бошқа фаолиятни ташкил этиш учун «ҳомийлар» сифатида киритишлари, улар ота-оналар ва ўсмирларни табиатни муҳофаза қилиш билан биргаликда шуғулланишга руҳлантиришлари мумкин.

- Ўсмирларга табиий экотизимлар ҳақида кўпроқ билимлар олиш учун имконият яратиш, уларнинг атроф муҳит билан алоқасини мустаҳкамлаш, уларда ҳамдardликни ўсмирларнинг бўш вақтдаги машғулотлари. Чўл клублари иши доирасида амалга ошириш мумкин. Табиатни муҳофаза қилувчи ННТ ўз ишига ўсмирларни жалб қилишлари мумкин. Иккала ҳолда ҳам бу уларга сайёқни асраш ишига ёрдам бериш учун имконият яратади.

- ННТ ўсмирлар билан фақат Сайёқ кунини ўтказиш пайтида ёки уларга ахборот керак бўлган ҳолларда эмас, балки доимий асосда ишлашга ҳаракат қилишлари лозим;

## Мақолалар (давоми)



мактабларда ўқитувчилар билан ҳамкорликда иш олиб бориш, бунда ўқув дастурларига киритилган жонли табиат ҳақидаги дарсларга асосланиш керак.

- ННТ ўсмирлар учун табиатни муҳофаза қилиш масалалари бүйича қисқа ўқув курсларини таклиф қилишлари, бу ерда улар университет курсида бўлганидек маърузалар тинглашлари мумкин, аммо айна ҳолда улар ёмон имтиҳон баҳолари ёки молиявий қийинчиликлар ҳақида ғам чекмайдилар.

- Янги иш турлари маҳаллий анъаналар билан боғлиқ бўлиши, уларда мумкин қадар кўп одам иштирок этишини рағбатлантириши, табиатни муҳофаза қилиш ғояларини кенг тарқатиш учун имконият яратиши лозим.

- Инсон фаолиятининг ижобий ва салбий томонлари ҳақида мунозара қилишга асосланган ёндашувни қўллаш, шунингдек визуал ахборотдан фойдаланиш ва уни муҳокама қилиш, ўсмирларга ҳаракатларнинг

оқибатларини тушунишга ёрдам бериш ва улар муаммоларнинг ечимларини ўзлари топишни ўрганишлари учун мунозара командаларини тузиш лозим.

- Табиатни муҳофаза қилиш зарурлиги янги тренд сифатида, ўсмирлар учун қизиқарли фаолият сифатида тавсифланиши лозим, агар чет эллик экспертлар ёки машҳур кишилар бу «тренд»ни тасдиқласалар, унинг ўсмирлар учун жалб қилувчанлиги янада ортади.

- Шаҳарлик ўсмирлар учун ижтимоий маркетинг техникасидан фойдаланиш ёки 2014 йилги «макияжсиз селфи» қабилдаги кампаниялар ёинки сайғоқни муҳофаза қилиш билан боғлиқ «sand bucket challenge» (қум билан синов) тадбирини ташкил этиш, шу тариқа одамларнинг хабардорлик даражасини ошириш, бу жараёнга бошқаларни ўсмирлар табиатни муҳофаза қилиш манфаатларида жалб қилишларига эришиш.

Муаллиф мазкур тадқиқотни молиявий қўллаб-қувватлагани учун PТEС жамғармаси ва Дисней табиатни муҳофаза қилиш жамғармасига ўз миннатдорчилигини билдиради. Шунингдек USAID/FFI Устюрт ландшафтини асраш ташаббусига қўллаб-қувватлагани учун ташаккур изҳор этади. Бу ерда мухтасар баён этилган диссертациянинг тўлиқ матни билан қуйидаги ишорат орқали ўтиб танишиш мумкин: <http://www.iccs.org.uk/publications/thesis-archive-msc-con-sci/>

Хитойда «лин-ян-цзя» деб аталадиган сайғоқ (Saiga tatarica) шохларидан хитой табобатида қадим замонлардан бери фойдаланилади. Илгари Синьцзян провинциясининг шимолий

## Анъанавий хитой табобати (АХТ)да ишлатиладиган сайғоқ шохларининг ДНК штрих кодлаш технологияси ёрдамида диагностикаси

Чжиган Цзян. ФА Зоология институти ва йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги турлар бүйича ХХР Илмий Комиссияси, [jiangzq@ioz.ac.cn](mailto:jiangzq@ioz.ac.cn)

қисмида яшаган сайғоқ популяцияси 1960-йилларда меъёрдан ортиқ овлаш натижасида қирилиб кетган. Хитой табобати препаратлари бозорида хонаки қўй (Ovis aries), така (Capra hircus), жайрон (Gazella subgutturosa), тибет антилопаси (Pantholops hodgsonii), тибет дзерени (Procapra picticaudata), мўғул дзерени (P. gutturosa) ва Пржевальский дзерени (P. przewalskii) шохларига ҳам дуч келиш мумкин ва улар ҳам «лин-ян-цзя» деб аталади. «Лин-ян-цзя» ўхшаш морфологияга эга ва уларни қуролланмаган кўз билан бир-биридан фарқлаш


жуда қийин, айниқса уларни қисмларга бўлиб ёки кукун кўринишида сотаётган бўлсалар ва сотувчи сохта товарни сайғоқ шохи қилиб кўрсатишга уринаётган бўлса. «Лин-ян-цзя» бозорида тартибнинг йўқлиги савдони назорат қилиш билан бир қаторда, йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги бошқа туёқли ҳайвонларни асраш ишига ҳам ҳалақит беради. Шу сабабли «лин-ян-цзя»ни идентификация қилишнинг содда ва самарали усулини яратиш лозим. Сайғоқ шохини бошқа ҳайвонларнинг шохларидан ёки сунъий қалбаки шохлардан

фарқлаш учун морфологик идентификация, микроструктуравий таққослаш, ингичка қатламли хроматография (ИҚХ) ва гель-электрофорез сингари методлар қўлланилган. Сўнгги вақтда ёввойи табиат объектларини идентификация қилиш учун генетик маркердан тобора фаол фойдаланилмоқда, чунки у аниқ натижалар беради, муомала қилиш учун қулай ва ҳатто жиддий шикастланган намуналарга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Экология ва Эволюция журнали (2015)да д-р Цзин Чэнь Хитой ФА Зоология институти Ёввойи табиат ва хулқ-атвор экологияси бўйича тадқиқот гуруҳининг бошқа олимлари билан бирга эълон қилган мақолада кўй, эчки, жайрон, тибет антилопаси, тибет ва мўғул дзеренлари, Пржевальский дзерени шохларини молекуляр маркер сифатида қўлланиладиган цитохромоксидаз С суббирлиги I (ЦС I) ёрдамида идентификация қилиш усули тавсифланган. Турлар диагностикаси ёввойи табиат маҳсулотлари билан савдо мониторингида ва тегишли қонунларни ҳаракатга келтиришда асосий талаб ҳисоблангани боис, штрихли кодлаш ёрдамида диагностика методи хитой табобати воситалари бозорида ҳайвонлар шохини янада самарали назорат қилишга ёрдам беради, шунингдек сайғоқни ва йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги бошқа туёқли ҳайвонларни асрашга кўмаклашади.

Шохларнинг ҳужайралари кимёвий ёки физик таъсир кўрсатиш мушкул бўлган мугузлашган тўқималар билан қуршалган. Хитой табобати воситалари бозорида «лин-ян-цзя» геном ДНК, қоида тариқасида, шикастланган ҳолатда бўлади, айниқса, сотиш учун шохлар майда қисмларга бўлинган ёки кукун кўринишига келтирилган ёнки бунга қадар улар хона температурасида ва намлик даражаси меъёрдан ортиқ бўлган шароитда узоқ муддат сақланган бўлса. Д-р Цзин Чэнь ўз ҳамкасблари билан бирга (2015) ЦС I асосида аниқлаш методини ишлаб чиқди ва унинг ёрдамида хитой табобати бозорида сайғоқ шохлари ва бошқа «лин-ян-цзя»ни идентификация қилиш мумкин. Метод шох намуналаридан ДНК олишни, полимерлар занжирли реакцияси (ПЗР)ни кучайтиришни ва штрихли кодлаш маълумотлари блокларини таҳлил қилишни назарда тутди. Киритилган ПЗРдан иборат тизим, қоида тариқасида, судларда бирдан-бир ашёвий далил бўлган шикастланган намуналар билан ишлаш учун ишлаб чиқилди. Геном ДНК концентрациялари паст бўлган, кукун ҳолатига келтирилган шохларнинг икки намунасига нисбатан ПЗР икки туркуми ўтказилди.

Ҳозирги вақтда хитой табобати воситалари бозорида сотилаётган сайғоқ шохларининг асосий қисмини СИТЕС томонидан уларнинг савдоси тақиқлангунга қадар олинган шохлар ҳосил қилади; қонуний йўл билан олинган шохлар миқдори эса тинимсиз камайиб бормоқда. Сайғоқ шохларининг кичик бир қисми нолегал савдогарлар томонидан контрабанда йўли билан келтирилган. Сайғоқ шохлари бошқа оҳуларнинг шохлари билан ўхшаш тузилишга эга. Шу сабабли савдогарлар баъзан шикастланган шохларни сифатли шохлар сифатида, шунингдек бошқа ҳайвонларнинг шохларини сайғоқ шохлари сифатида таклиф қиладилар ва шу тариқа харидорларни алдайдилар. Тавсифланган метод сайғоқ шохларини нолегал олиб киришга қарши қонун йўли билан курашиш самарали воситаларини тақдим этади, шунингдек хитой табобати препаратлари бозорларида сайғоқ шохлари савдоси устидан назорат ўрнатиш учун имконият яратади.

Таҳририятдан: Ушбу ишнинг тўлиқ версиясини куйидаги манбадан топиш мумкин: Ecology and Evolution online: Chen J, Jiang Z, et al. 2015. Identification of ungulates used in a traditional Chinese medicine with DNA barcoding technology. Ecology and Evolution. <http://onlinelibrary.wiley.com/doi/10.1002/ece3.1457/>



# Янги чоп этилган мақолалар

## Шарқий Европа ва Сибирда топилган тўртламчи давр сайфоқларининг калла суяклари: *Saiga borealis* ва *Saiga tatarica* – бир турми ёки икки турми?

Урсула Ратайчак ва бошқ. Палеозоология кафедраси, Атроф муҳит биологияси институти, Биология факультети, Вроцлав Университети, Польша

Сайфоқ – плейстоцен даврида Евросиё ва Шимолий Американинг кенг ҳудудларида яшаган, кўчиб юрадиган, пода бўлиб яшайдиган нотерриториал ҳайвон. Мазкур тур охириги муз босиш даврида айниқса кенг тарқалган. Бугунги кунда бутун ер юзида мавжуд сайфоқлар Марказий Осиёда яшайдиган бир нечта популяциядан иборат. Олимлар томонидан сайфоқнинг икки асосий биологик шакли фарқланган – *Saiga borealis* ва *S. tatarica*. Биринчи тур голоцен даврининг бошида қирилиб кетган, *S. tatarica* эса плейстоцен давридан ҳозирги кунгача етиб келган. Бир гуруҳ олимлар фикрига кўра, бу икки алоҳида тур, бошқа олимлар эса уларга *S. tatarica* турига мансуб икки кичик тур сифатида қарайди. Биз Евросиёдаги бир қатор сайфоқларнинг калла суяги ва шохлари ўлчамларини солиштирдик, бунда шу жумладан адабиётларда келтирилган маълумотлардан ҳам фойдаландик ва мазкур таксонлар ўртасида кўп сонли жиддий фарқларни аниқладик. *S. borealis* калла суяги айрим кўрсаткичларига кўра *S. tatarica* калла суягидан катта, *S. tatarica* шохларининг асоси диаметрининг катталиги билан ажралиб

туради. Аммо фарқлар фақат айрим ўлчов белгилари бўйича топилди, бунда таҳлил қилинаётган ўлчовларнинг диапазонлари қисман мос келди ва бу ҳол икки алоҳида тур мавжудлиги ҳақидаги фикрни шубҳа остида қолдиради. Шунингдек бизнинг тадқиқотларимиз айрим параметрлар бўйича *S. tatarica* калла суяги плейстоцен давридан бошлаб кичрайганини ҳам кўрсатди ва бу охириги музлаш даврининг охирида юз берган иқлим ва палеогеографик ўзгаришлар, шунингдек сайфоқлар популяцияси ҳажмининг кичрайиши билан боғлиқ бўлса керак. Биз *S. borealis* ва *S. tatarica* турли географик кичик гуруҳлари ўртасида жиддий фарқларни фақат айрим метрик параметрлар бўйича аниқладик. *S. borealis* ва *S. tatarica* ўртасида аниқланган тафовутлар кичик турлар ўртасидаги фарқлар билан мос келса ва плейстоцен даврида сайфоқлар популяцияларининг биогеографик дифференциацияси билан белгиланса керак.

Таҳририятдан: Мақола тўлиқ ҳолда қуйидаги нашрда эълон қилинган: Quaternary International online U. Ratajczak et al. / Quaternary International xxx (2015) 1-19


## Эълонлар

Сайфоқ бўйича Ресурс Маркази саҳифаларида қандай янгиликлар бор

Мутахассислар жамоаси саъй-ҳаракатлари билан Сайфоқ бўйича Ресурс Маркази 2015 йилда анча яхшиланди, айрим бўлимларда эса қидириш дастури янада самарали ишлай бошлади. Хусусан, «Адабиётлар» (Literature) бўлимида энди қидиришни иш муаллифи (Author), унинг мавзуси (Subject) ва эълон қилинган йил (Year) бўйича, «Фотосуратлар» (Pictures) бўлимида эса – фотограф исми (Photographer) ва мавзу (Subject) бўйича амалга ошириш мумкин. Бундан ташқари, биз иккала бўлимга ҳам сайфоқларнинг «оммавий нобуд бўлиши» (Mass Die-Off)га доир янги фойдали қидирув опциясини киритдик.

Сайт шу жумладан бу йил «Степной» буюртма кўриқхонасида бўлган Санкт-Петербург университети мутахассислари Андрей Гилев ва Карина Каренина томонидан олинган сайфоқларнинг ажойиб фотосуратлари ҳисобига бойитилди (ушбу сондаги мақолага қаранг). Марказнинг уй саҳифасидан (Home) ёки «Тарих» (Background) бўлими орқали чиқиш мумкин бўлган янгиликлар лентасида вақти-вақти билан фан оламига доир янгиликлар ва лойиҳалар тўғрисида маълумотлар пайдо бўлади.

Агар сиз Saiga News да қизиқарли мақолани ўқиган, аммо у қайси сонда чоп этилганини унутган бўлсангиз, энди сайтнинг инглиз ва рус тилидаги версияларида ҳар бир сон мақолаларининг сарлавҳаларини жадал



кўздан кечириш имконини берадиган фойдали восита пайдо бўлди. Юқорида тавсифланган такомиллаштиришлар тез орада сайтнинг хитойча ва қозоқча версияларида ҳам пайдо бўлади. «Сайфоқлар бўйича мутахассис»ни топмоқчи бўлганлар учун биз бир нечта янги номларни қўшиб қўйдик. Агар мазкур фахрли бўлимга сизни ҳам қўшиб қўйишимизни истасангиз, марҳамат, ўз истагингиз ҳақида бизга маълум қилинг ва ўзингиз ҳақингизда маълумотларни тақдим этинг.

2016 йилнинг бошида биз қуйидаги ишларни бажаришни режалаштирганмиз: сайтнинг қозоқ, рус ва хитой тилларидаги версияларини яратишни яқунлаш, фотосуратлар ва видеороликларни тавсифлар билан жиҳозлаш, «Таълим» (Education) бўлимига ўзгартишлар киритиш, шунингдек сайтни Кўчиб юрвчи турларни асраш бўйича Конвенция (CMS) тўғрисида маълумотлар билан тўлдириш, GIS маълумотларини киритиш ва ҳ.к.

Агар сиз ўз ресурсларингиз, масалан, мақолалар, маърифий материаллар, адабиётлар, фотосуратлар ва ҳоказолар билан ўртоқлашмоқчи бўлсангиз, Алена Чухатинага қуйидаги электрон почта манзилига ёзиб юборинг: [alyona.chukhatina@acbk.kz](mailto:alyona.chukhatina@acbk.kz).

Биз ҚБРАУ ходими Алена Чухатинага ва Siempre Solutions Ltd. мутахассиси Стив Морганга уларнинг ташаббуслари, тажрибаси, юқорида баён этилган ишларни бажаришда кўрсатган ёрдами учун миннатдорчилик билдиради. Шунингдек биз сайт матнини хитой тилига ўгиришда ёрдам кўрсатган Гуйхон Джанга ва сайтни рус тилига ўгирган Аленага ташаккур изоҳор этамиз.

Бизнинг Сайфоқ бўйича Ресурс Марказимизга ташриф буюринг ва ҳамжамиятимизнинг таркибий қисмига айланинг: [www.saigaresourcecentre.com](http://www.saigaresourcecentre.com).

Карлин Сэмюэль (SCA маъмурий ассистенти)

## Сайғоқни асраш - уларнинг ҳаёт иши

### Юрий Арилов: қуруқ ташаббус билан сайғоқни тўйдириб бўлмайди!

*SN ўтган сонидан биз Қалмиқистон Республикасидаги Ёввойи ҳайвонлар марказининг аянчли тақдири ҳақида хабар қилган эдик. Шунинг эслатиб ўтамизки, 2014 йилнинг кузидан ҚР Ҳукумати қарори билан 15 йиллик тарихга эга бўлган Марказ тугатилди. Аммо унинг раҳбари профессор Арилов Юрий Нимеевич ихтиёрий асосда Марказ ишини қувватлашни давом эттирмоқда. У яқин вақт ичида барча керакли ҳужжатларни расмийлаштиришга ва Марказ «Черные земли» қўриқхонаси бошқаруви остига ўтишига умид қилмоқда. Биз сайғоқ профессор Ариловнинг ҳаёт иши дея ишонч билан айта оламиз.*

*Юрий Нимеевич Арилов – Қалмиқистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази директори, биология фанлари доктори, Қалмиқистон давлат университети профессори, Қалмиқистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби. Юрий Нимеевичнинг илмий қизиқишлари доираси жуда кенг бўлиб, туёқли ҳайвонлар, шу жумладан сайғоқ экологиясини, қушларни кўпайтириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, экологик таълим, аҳолининг турли қатламлари ўртасида маърифий ишни қамраб олади. Бу масалалар ва муаммоларнинг барчаси билан Юрий Нимеевич охириги 24 йил давомида шуғулланиб келади.*



### **Муҳ.: Сизда сайғоққа қизиқиш қачон пайдо бўлган?**

Мен Ханти-Мансийск автоном округининг Сургут шаҳрида туғилганман. 1943 йилда ўша ерда қалмиқ халқининг катта қисми, шу жумладан менинг ота-онам ҳам сургун қилинган эди. У ерда сайғоқлар фақат мамонтлар ва юнгли каркидонлар даврида яшаган бўлса керак. Мактабни тамомлагандан кейин ўз аجدодларим ватани – Элиста шаҳрига қайтиб келгач, мен Қалмиқистон давлат университетининг аграр факультетига ўйишга кирдим. Дастлабки даврда мен ўз ҳаётимни қишлоқ хўжалик ҳайвонларига бағишлашга қарор қилган бўлсам-да, қадрдон ўлка табиатини ўрганишга ҳам кўп вақт ажратдим. Айнан ўшанда мен тумшуғи мамонтнинг қисқартирилган хартумини эслатадиган бу антиқа ҳайвонга эътибор бердим. Ўша вақт қалмиқ чўлларида жуда кўп бўлган сайғоқ билан яқиндан танишиш имконияти менда

йўқ эди. Ҳатто яйловларга жиддий зарар етказган сайғоқ сонини чеклашга қаратилган махсус дастурлар ҳам бор эди. Давлат хўжаликлари сайғоқ гўштини етиштириш билан шуғулланарди, ўша даврда сайғоқ гўшти ва шохларини сотишдан давлат яхшигина даромад оларди.

### **Муҳ.: Сиз сайғоқни ўрганиш ва асраш бүйича ишни қачон бошлагансиз?**

Қайта қуриш бошланиши билан аграр секторда ишлар камая бошлади ва 1991 йилда менга «Черные земли» қўриқхонасининг директори лавозимини эгаллашни таклиф қилишди. Шундан кейин менинг орзум – сайғоқ, унинг экологияси ҳақида кўпроқ билиш, бу ноёб турни асрашга ҳисса қўшиш ушала бошлади. Кейинчалик бу менинг ҳаёт ишимга айланди. 2001 йилда Россияда сайғоқ билан боғлиқ вазият ҳалокатли тус олди. Ўша вақтда Қалмиқистон Республикаси раҳбари бўлган Кирсан Илюмжинов менга Ёввойи ҳайвонлар марказини бошқаришни таклиф қилди. Марказнинг иш дастурида асосий эътибор сайғоқни кўтонларда кўпайтириш ва сақлашга қаратилиши лозим эди. Элистадан 70 км шарқда Марказга ажратилган 800 гектар майдонда сайғоқлар учун вольерлар қурилди, «Яшкульский» парваришхонаси ходимлари яшаши, меҳмонларни қабул қилиш, шунингдек илмий тадқиқотлар, экологик таълим бүйича тадбирлар ўтказиш, аҳоли турли қатламлари ўртасида маърифий иш олиб бориш учун шароитлар яратилди. «Saiga News» саҳифаларида биз ўз Марказимиз фаолияти ҳақида бир неча марта ҳикоя қилганмиз.

### **Муҳ.: Сизнинг одатдаги кунингиз қандай кечади?**

Ростини айтсам, барча кунлар (ҳатто дам олиш кунлари ҳам) бир-бирига ўхшайди. Одатда, иш куним «Яшкульский» парваришхонасидаги ходимларга жорий вазиятни аниқлаш учун қўнғироқ қилишдан бошланади. Сўзлашувлардан кейин кунинг иш режасида ўзгаришлар юз бериши мумкин. Марказнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш кўп вақтни олади. Бундан ташқари, мен келган хатларга жавоб ёзиш, турли ҳисоботлар, келгуси иш кунларига режалар тузиш билан шуғулланаман, бошқа муассасаларнинг ходимлари билан амалий музокаралар олиб бориш учун учрашаман. Мен педагогик фаолиятга ҳам кўп вақт ажратаман – Университетда экология фанидан дарс бераман. Ёш авлод билан ишлаш менга катта қувонч бахш этади – болаларга қадрдон юрт табиати, сайёқлар ҳақида ҳикоя қилиш, атроф муҳитни асраш зарурлигини уқтириш учун мен қишлоқ мактабларига тез-тез бориб тураман.

### **Муҳ.: Сайёқ ҳақида бирон-бир қизиқарли воқеани сўзлаб бера оласизми?**

2003 йилда, сайёқларимиз сунъий эмизиш бўйича экспериментлар ўтказилган «Хар-Бурук» кичик парваришхонасида (Элиста шаҳридан 17 км нарида жойлашган) яшаётган пайтда «Пятнашка» лақабли сайёқ боласи қўлга яхши ўрганди. 2.5 ойлик даврида «Пятнашка» олд ўнг оёғининг суяги синди. Унга шошилиш «шина» қўйилди. Орадан 1.5 ой ўтгач, гипс олингандан кейин «Пятнашка» оёққа турди, аммо ўнг оёғининг оқсаши сақланиб қолди. Шу сабабли уни ҳамма «Оқсоқ Пятнашка» деб чақира бошлади. 2005 йилда бу эркак сайёқ «Яшкульский» парваришхонасидаги кенг вольерга кўчирилди, бу ерга яхши мослашди ва номини айтган одамга қараш одатини узоқ вақтгача йўқотмади.

### **Муҳ.: Сиз ўз ишингизда асосан қандай муаммоларга дуч келасиз?**

Ҳозирги вақтда маълум сабабларга кўра мен бу ҳақда гапиришга қийналаман. Аммо кўп йиллик иш тажрибамга таянган ҳолда, шуни ишонч билан айта оламанки (бунда мени ҳамкасбларим ҳам қўллаб-қувватлашади деб ўйлайман), асосий муаммо ажратилган



маблағларнинг озлиги ёки умуман йўқлиги билан боғлиқ. Афсуски, қуруқ ташаббус билан сайёқни тўдириб бўлмайди, бундай «валюта»га биров сув ҳам сотмайди. Лўнда қилиб айтганда, маблағлар етарли миқдорда ажратилса, кўп иш қилиш ва, бир вақтлар бўлганидек, «сайёқни ҳаётга қайтариш» мумкин.

### **Муҳ.: Ишингиздаги ғов-тўсиқларни қандай қилиб бартараф этиш мумкин?**

Умуман олганда, давлатнинг стратегик вазифалари билан бир қаторда, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш жамиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига айланиши лозим. Бинобарин, маблағлар ҳам «қолдиқ принципи»га кўра эмас, тўлиқ ҳажмда ажратилиши керак. Табиий экотизимларнинг барча компонентларини асраш барча даражадаги амалдорлар ва оддий фуқаролар фаолиятида асосий йўналишлардан бирига айланиши лозим.

### **Муҳ.: Ишингизда сизга нима кўпроқ ёқади?**

Менинг ишимда энг муҳими шуки, мен жуда керакли ишни бажараётганимни англайман. Бу сайёқ билан боғлиқ ишнинг турли жиҳатларигагина эмас, балки «Яшкульский» парваришхонасига Ватанимизнинг турли бурчакларидан ва узоқ хориждан келаётган мутахассислар билан мулоқот қилишга ҳам тегишли. Умид шуки, бизнинг ўғитларимизни қўлоғига қуйган фарзандларимиз ўрнимизни эгаллагач, худди биз сингари сайёқни ва умуман табиатни асрайди. Россиянинг турли илмий муассасалари ходимлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган сайёқларни кўтонда кўпайтириш технологиясини мен



Ўзимнинг энг катта ютуғим деб ҳисоблайман. 2015 йилда «Яшкульский» парваришхонаси вольерларида сақланаётган ҳайвонлардан ўн бешинчи наслни олдик. Бу ҳол биз яратган сунъий микропопуляциянинг чидамлилиги ва яшовчанлигини тасдиқлайди.

**Муҳ.: Сайғоқни асраш истиқболларини сиз қандай баҳолайсиз? Мазкур тур яшаб қолишига кўмакла-шиш учун биринчи навбатда нима қилиш керак?**

Россияда ҳозир сайғоқ билан боғлиқ ўта мушкул вазият юзга келган. Мен бу ерда Қозоғистонда юз берган ва биз ўз шахсий фожиамиз сифатида қабул қилган воқеа

ҳақида гапириб ўтирмайман. Биз барча табиий офатлар, иқтисодий бўҳронлар, касалликларга дош берган ноёб турни йўқотяпмиз. Ҳаракатлар режасини қисқа муддат ичида ишлаб чиқиш ўта муҳим деб ҳисоблайман. Бу режа реал бўлиши ва ҳам минтақавий, ҳам федерал даражада маблағ билан етарли миқдорда таъминланиши лозим. Шу маънода биз Қозоғистон Республикаси тажрибасини ўрганишимиз керак. Бу ерда етарли миқдордаги маблағлар билан қувватланган ҳаракатлар дастури ўз вақтида яхши натижалар келтирган, сайғоқлар сони 10 йил ичида қарийб 10 баравар кўпайган (2004 йилда 23-24 минг бошдан 2014 йилда 260-280 минг бошгача).

**Муҳ.: Ҳайвонларнинг ноёб турларини ўрганиш ва асраш борасида ишлашингиз даврида бу соҳада қандай ўзгаришлар юз берди, унда ҳозир қандай жараёнлар юз бермоқда?**

Шуни афсус билан қайд этаманки, кўрилган барча чораларга қарамай, сўнги йилларда табиий муҳитда сайғоқ сонининг қисқариши кузатилмоқда ва бу мазкур тур бутунлай йўқ бўлиб кетишига олиб келиши мумкин. Мен пессимист бўлишни истамайман, аммо бугун бирон-бир ижобий жараён ҳақида гапириш мушкул.



## Миннатдорчиликлар

Биз Сайғоқни асраш бўйича альянс ишини қўллаб-қувватлаш учун ўз вақти ва маблағларини аямаган ҳаммага ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз. Биз WCN ходимлари ва волонтерларига кўрсатган ёрдами ва мадади учун, шунингдек АҚШ ва бошқа мамлакатлар аҳолисига сайғоқни асраш жамғармасига қилган эҳсонлари учун ташаккур изҳор этамыз. Шунингдек биз нашримизнинг мазкур сонини қўллаб-қувватлаган ташкилотлар – Ҳайвонларнинг кўчиб юрвчи турлари бўйича конвенция (CMS), WCN, WWF-Мўғулистон ва WCS-Хитойдан ҳам миннатдормыз.







SAIGA CONSERVATION ALLIANCE

Сайгоқни асраш бўйича альянс:  
[www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com)

Сайгоқ бўйича Ресурс Маркази:  
[www.saigaresourcecentre.com](http://www.saigaresourcecentre.com)

Saiga Merchandise:  
[www.saigacraft.org](http://www.saigacraft.org)

Email: [mail@saiga-conservation.com](mailto:mail@saiga-conservation.com)

©Saiga Conservation Alliance 2016 /  
Registered charity England and Wales

© Андрей Гилёв,  
Карина Каренина